



METIN INTIZOM, MUSTAHKAM IJRO — MAMLAKAT MUDOFAA SALOHİYATINI YUKSALTIRISH VA YUQORI JANGOVAR SHAYLIK ASOSI

2-3-sahifalar ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2022-yil 5-avgust, №31 (2990)



VATANPARVARLIK
TARBIYASI UCHUN
BARHAMIZ
BIRDEK MAS'ULMIZ

8-9-sahifalar ▶▶

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир.

Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўлмалли ислохотларни амалга ошириш учун мустақкам замин яратиб, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётида ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустақкамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжихатликни мустақкамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқиёс кучга айланиб бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол оптириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб қутиб олиш ва ушбу қутлуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):
Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонланишини таъминласин;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин;

белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўткази-

ладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;

мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков):
Республика Маънавият ва маърифат маркази (М. Ҳожиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, юксак ғоявий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Бадий академия (А. Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (О. Усаров), «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси (И. Латипов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Энг улуғ, энг азиз», «Ранглар жиҳосида – она диёр», «Ватан учун яшайлик!» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ, республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), «Дунё» ахборот агентлиги (С. Суяров), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш. Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 август

(ЎЗА)

ERTAMIZ EGALARI
UCHUN

11-sahifa ▶▶

DZYUDOMIZ
RAVNAQIDA
YANGI
BOSQICH



18-sahifa ▶▶

- @ vatanparvar-bt@umail.uz
- t.me/mv_vatanparvar_uz
- t.me/mudofaavazirligi
- facebook.com/mudofaavazirligi
- instagram.com/mudofaavazirligi
- youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat
haqida
ma'lumot



Президент qarorlari – hayotda va nazoratda

«Янги Ўзбекистон» газетасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбоннинг мақоласи чоп этилди. Қуйида ушбу мақолани тўлиғича ҳавола этамиз.

МЕТИН ИНТИЗОМ, МУСТАҲКАМ ИЖРО — МАМЛАКАТ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЖАНГОВАР ШАЙЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда мудофаа соҳасидаги тизимли ишларнинг изчил давом этишига жиддий тўртки берди.

Ушбу ҳужжатлар талаблари асосида Мудофаа вазирлиги мансабдор шахсларининг **шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш**, қонунчилик ҳужжатлари **ижросини самарали ташкил этиш** ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ташкилий ҳамда назорат фаолияти шакллари ва услубларини такомиллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Бу жараёнда **ижро интизоми, шахсий масъулият ва ташаббускорлик асосий тамойил** қилиб олинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг мулоқоқ янги «Ijro.gov.uz» тизими яратилиши жамият ҳаётидаги муҳим ислохот, янгилик ва ўзгаришлар, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлмоқда.

Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ва қўшинларида ижро интизоми ҳолати бўйича ўтган даврда «Ijro.gov.uz» электрон тизимида **1 та** қонун, Президентнинг **164 та** фармони, **628 та** қарори, **226 та** фармойиши ва **158 та** баёни доирасида Мудофаа вазирлигига юклатилган **жами 1 177 та** топшириқнинг **981 таси** ўз вақтида бажарилган бўлса, **196 тасининг** ижроси давом эттирилмоқда.

Қонунчилик ҳужжатлари, қўйилган вазифалар моҳияти ва аҳамиятини шахсий таркибга тезкор етказиш, назорат бандлари ва топшириқларни бажаришда ҳарбий қисм ва муассаса раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги таъминланган. Юқори ва қўйи тизимлар ўртасида тезкор **ички ахборот алмашинуви жараёни тўлиқ электрон форматга ўтказилган**. Бу эса соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишда ўз самарасини бермоқда.

МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Мудофаани бошқариш миллий марказида жорий йилнинг 13 январь кuni Хавфсизлик кенгашининг Президентимиз – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан **Қуролли Кучлар Бош штаби фаолиятини сифат жиҳа-**

тидан янги поғонага олиб чиқиш, қўшинни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан бутлаш, мавжудларини модернизация қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт фоялардан ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар қўйилганди. Ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2022–2026 йилларда Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур ишлаб чиқилди ва у асосда амалий ишлар олиб борилмоқда.

2016 йил билан таққослаганда ҳарбий хизматчининг ўқув-масъулот меъёри **4 баробар** кўпайди, жанговар ва махсус тайёргарлик машғулоти интензивлиги, қўшинлар тайёргарлик даражаси **2 баробар** ошди.

Амалга оширилган ишлар ва ислохотлар самарасини юрт ҳимоячилари халқаро майдонларда ўтказилган ўйинлар ва мусобақаларда яққол намоён этилди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат жамоамиз 2020 йилда Халқаро армия ўйинларида умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритган бўлса, 2021 йилги армия ўйинларининг **24 та** йўналишида **4 та олтин, 9 та кумуш** ва **4 та бронза** медални қўлга киритиб, **42 та** давлат армиялари ўртасида умумжамоа ҳисобида фахрли **2-ўринни** эгаллади. Таъкидлаш жоизки, мазкур Халқаро армия ўйинларида қайд этилган жами **33 та** рекорд натижадан **10 таси** Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари томонидан ўрнатилди.

Мудофаа вазирлигининг **2 нафар** сержанти АҚШда ўтказилган «Илғор жангчи» мусобақасида муносиб иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

«Global Firepower Index-2021» рейтинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий салоҳияти Марказий Осиёда **биринчи**, МДХ давлатлари орасида **учинчи** ва дунёнинг **140** мамлакатини орасида **53-ўринда** туради.

ҲАРБИЙ МЕРОС ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

Буюк аجدодларимизнинг бой ҳарбий меросини чуқур ўрганиш орқали ҳарбий илм-фанни ривожлантириш, миллий ҳарбий санъатимиз тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар қилиш, соҳадаги хавф ва таҳдидларни тизимли ўрганиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил декабрдаги қарорига мувофиқ, **Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти ташкил этилди**.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий илм-фанни ривожлантириш йўналишидаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасида илмий даража ва илмий унвонга эга ҳарбий хизматчилар сони **137 нафарга** етди. Яна **211 нафар** ҳарбий хизматчи ҳозирги кунда илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси янги халқаро стандартларга мос тако-



Генерал-лейтенант Баҳодир ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири

миллаштирилди. Академияда давлат ва ҳарбий бошқарув даражасидаги ҳарбий кадрларни тайёрлаш магистратураси ташкил этилиб, йилига **15 нафарга** кадр тайёрланмоқда. Бунинг натижасида Қуролли Кучлар академияси илмий салоҳияти **51,3 фоиз** ошди.

Халқаро ҳарбий ҳамкорлик доирасида Мудофаа вазирлигининг **300 нафарга** яқин ҳарбий хизматчиси Россия, АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Беларусь, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея олий ҳарбий таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим олиб, халқаро тажрибаларни ўрганди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Аждодларни излаб» ҳарбий-тарихий жамияти фаолиятига фан ва санъат соҳалари раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши миллий ҳарбий меросимизни ҳар томонлама тизимли ўрганиш ҳамда оммалаштириш имконини берди.

Жумладан, шу вақтга қадар фашизмга қарши уруш вақтида юртимиз аҳолиси **6 миллион 551 минг** кишини ташкил этган ва уларнинг **1 миллион 500 мингга** яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотлар асосида Ўзбекистондан **1 миллион 951 мингга** яқин киши урушга сафарбар этилгани, **ҳар уч** ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилгани аниқланди. Яъни шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келган, аммо жангларда мардонавор қатнашган **қарийб 451 минг** юртдошимизнинг номлари ва тақдири тикланди.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ

2021 йил 30 сентябрда имзоланган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги Қуролли Кучларни бутлаш, ҳудудий ҳамда ҳудудий-тиббий комиссиялар, шунингдек, вилоят йиғин пунктларида ҳарбий-тиббий комиссиялар ва мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги раҳбарият кенгашлари таркиби ва уларнинг иш фаолияти белгиланди. Бир-бирини такорловчи тиббий кўриклардан ўтказиш амалиёти бекор қилинди. **196 нафар** тиббий ходим тиббий комиссиялар таркибидан чиқарилди. Муддатли ҳарбий хизматга қақариш кўзда тутилган вазирлик ва идоралар вакилларининг номзодларни **яккама-якка сўхбат орқали танлаб олиши** билан Қуролли Кучларни сифатли бутлаш имкони яратилди.

Ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларининг битирувчи синф ўғил болаларини қақариш пунктларида қайд этиш ишларини **апрель-май ойларида охириги ўқиш йилининг октябрь-ноябрь ойларида** амалга ошириш тартиби белгиланди.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга кўра, меҳнатга қобилиятсиз, яъни нафақада

ёки ногирон бўлган ота-онанинг ёлғиз ўғли, уларнинг бошқа боқувчиси бўлмаган, ҳарбий хизматга қақарилмас эди. Фуқароларнинг муқофолари ва тақлифлари асосида ушбу тоифадаги қақарилувчиларга ота-оналарининг розилиги билан муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик қақариуви резерви хизматини ўташ ҳуқуқи берилди. Жорий йил ана шу тоифага кирувчи **112 нафар** фуқаро муддатли ҳарбий хизматга қақарилди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга қақарилаётган фуқароларни ҳарбий тиббий кўриқдан ўтказиш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимидаги ҳудудий тиббий комиссиялар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида ҳарбий тиббий комиссиялар ташкил этилди. Бу ўзгариш, ўз навбатида, кўп куч, ортиқча вақт ва маблағ сарфланишининг олдини олмақда.

Ҳудудий тиббий комиссиялар томонидан соғлиғи даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган қақарилувчилар бутлаш комиссиясида сўхбатдан ўтказилиб, соғлиғининг даражаси, жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор қабул қилинмоқда.

Фуқаролар томонидан ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси бўйича ўзига нисбатан чиқарилган ҳулосаларидан норози бўлиб муқофат қилган фуқаролар Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий тиббий комиссиясининг назорат тиббий кўригидан ўтиши белгиланди. Унга 2021 йил ҳудудий тиббий комиссия қароридан қониқмаган ва бошқа сабабларга кўра **136 нафар**, 2022 йилда **108 нафар** фуқаро муқофат қилган.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 23 мартдаги «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда барча мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларини электрон ишлаш тизимига ўтказиш билан фуқароларга, айниқса, ёшларга қулай шароитлар яратилди.

Натижада республикамиздаги **202 та** мудофаа ишлари органи орқали фуқароларга хизмат кўрсатишда ортиқча қоғозбозлик ва бюрократия тўсиқларига барҳам берилди, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш таъминланди. Автоматлаштирилган ахборот тизими ва электрон маълумотлар базаси ишга туширилиши билан 10 дан ортиқ ҳужжатни талаб этиш бекор қилиниб, қисқа вақтда «Ягона дарча» тамойили асосида ёки мудофаа ишлари бўлимлари орқали



электрон тарзда маълумотнома олиш, рўйхатга қўйиш ёки чиқариш имкони яратилди.

2022 йил 1 июль ҳолатига **1 016 539 нафар** фуқарога онлайн ва электрон тарзда «Ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш» давлат хизмати кўрсатилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини **ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароитини, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш** масалалари Президент – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг **донмий эътибор** марказида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2021 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятларда **1 010 та** хонадондан иборат **19 та** кўп қаватли уй ипотека кредитлари ҳисобига қурилиб, ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига фойдаланишга топширилгани, бу кўрсаткич 2022 йилда **1 200 тани** ташкил этгани бунинг яққол намунасидир. Бугунги кунда Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида **420 та** хонадон фойдаланишга топширилган. Шунингдек, жорий йилнинг сентябрь ойида Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида **290 та** хонадон фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида **1991–2016 йилларда (25 йилда) жами 7 137 нафар** ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланган бўлса, **2017–2021 йилларда 10 769 та** хонадон топширилган. **2022–2026 йилларда** бу кўрсаткични ҳар йили **2 295 тагача** етказиш, **5 йилда** ипотека кредитлари асосида жами **11 475 та** хонадонга мўлжалланган кўп қаватли тураржойлар барпо этиш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда Мудофаа вазирлиги тизимида малакали ҳарбий шифокорлар тайёрлаш, уларнинг маҳорати ва тажрибасини ошириш борасида ҳам кенг миқёсли ишлар йўлга қўйилди.

Жумладан, вазирликнинг **234 нафар** тиббиёт ходими республикамиз ва хориж (АҚШ, Россия, Хитой, Германия) тиббиёт марказлари ва академияларида таълим олди. Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясида **181 нафар** тиббиёт ходими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида **21 нафар** шифокор, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш марказида **4 нафар** ҳамшира, Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий тиббиёт академиясида **11 нафар** ҳарбий шифокор клиник ординатура, қайта тайёрлаш курсларида малакаларини оширишди. Шунингдек, **17 нафар** ҳарбий шифокор Ҳарбий тиббиёт академиясининг ҳарбий интернатраси ва клиник ординатура-сига қабул қилинди.

Халқаро ҳарбий ҳамкорлик йўналишида Корея Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳарбий тиббиёт соҳасида ҳамкорликка оид имзоланган англашув меморандуми доирасида барча округ ва бирлашмалардан **12 нафар** тиббиёт ходими Корея Республикаси Қуролли Кучлари тиббиёт мактабининг «Жанг майдонида шошилч тиббий ёрдам» ўқув курсларида амалий кўникмаларни оширишга, **2 нафар** ҳарбий шифокор АҚШнинг Техас штатидаги Ҳарбий ҳаво кучлари базасига ўқишга юборилди.

Шу ўринда ҳарбий госпиталлар фаолиятига юқори технологияли, шу билан бирга, йирик бўғинларни эндопротезлаш амалиёти киритилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки соҳадаги бу янгилик сабаб 2022 йил 7 май куни Марказий ҳарбий клиник госпиталда илк бор академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази мутахассислари билан ҳамкорликда **буйракни кўчириб ўтказиш амалиёти** муваффақиятли амалга оширилди.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

«Халқ ва армия – бир тану бир жон» ғояси асосида ўтказилаётган тадбирлар Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъмин-

лаш, ҳарбий касб нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимини шакллантириш сингари устувор мақсадларга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида Қуролли Кучлар ва халқимиз ўртасидаги ришталар мустаҳкамланиб, юрдошларимизнинг ўз армиясига нисбатан фахр, ғурур ва ифтихор туйғулари янада ошмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан вилоятлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст бўлган олис қишлоқ, овул ва маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами **186 та** маҳалла, қишлоқ ва овулда, **51 583 та** хонадонда ободонлаштириш, **3 850 та** объектда қурилиш, **303 та** кўп қаватли ва **8 521 та** объектда таъмирлаш ишлари бажарилди. **44 та** маҳаллада ҳарбий муҳандислик техникасида бурғилаш ишлари олиб борилиб, **2 996 та** хонадон томорқасини сўғориш учун **303 та** артезиан қудуқ қазиб берилди.

Мудофаа вазирлигининг **500 дан ортиқ** тиббиёт ходими **коронавирусга қарши курашиш** ишларида фаол қатнашди. Мудофаа вазирлигининг **2 та** Санитария-эпидемиология назорати маркази, **6 та** ҳарбий госпиталь вирусология лабораториясида коронавирус инфекциясини аниқлаш учун **51 854 та** лаборатория таҳлили амалга оширилди. «Ўзэкспомарказ»да коронавирус инфекциясини юктирган беморларни даволаш мақсадида вазирлик томонидан **270 ўринга** мўлжалланган вақтинчалик шифоҳона ташкил этилди ва унда **27 576** фуқаро текширувдан ўтказилди. Уларга стационар ва амбулатор тиббий ёрдам кўрсатилди.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РҲУДА ТАРБИЯЛАШ

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида «Миллий армиямиз – ёшларнигоҳида» шиори остида 2022 йилга мўлжалланган, маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, алоҳида уюшган ва уюлмаган ёшлар билан жорий йилнинг **6 ойи** давомида **14 та** маъмурий ҳудуд бўйича маҳалла, ҳарбий қисм ва муассасаларда **4 та** – ватанпарварлик, маънавият, маданият ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишларида жами **16 453 та манзилли тадбир** ўтказилди. Уларга **905 мингдан ортиқ ёш** қамраб олинди.

Йигит-қизларнинг маънавий саводхонлигини ошириш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида **2 095 та** маънавият соати, интеллектуал викторина, ҳарбий-спорт мусобақалари, буюк аجدодларимиз қаҳрамонликларини ўрганишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари, концерт дастурлари, адабий-бадиий кечалар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда **63 мингдан ортиқ ёш** иштирок этди. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига улуғ саркарда аждодларимиз мардлиги ва жасоратини, буюк ватанпарварлигини чуқур сингдириш мақсадида ҳарбий қисм ва муассасаларда «**Амир Темур**» ва «**Жалолоддин Мангуберди**» синфлари яратилди.

2022 йил март–май ойларида **9 мингдан ортиқ** умумтаълим мактабининг **10-11-синфларида 120 мингга яқин** ўқувчини иштирокида Мудофаа вазири кубоги учун уч босқичда «**Ватанпарварлар**» ҳарбий-спорт мусобақалари ташкил этилди.

Профилактик ҳисобда турган, уюлмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, бандлигига кўмаклашиш мақсадида Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида «**Ёш ватанпарварлар йиғини**» ташкил этилди. Мазкур йиғинларга **900 дан ортиқ ёш** қамраб олинди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 2 мартдаги алоҳида қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етуқ ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳузурида «**Ватан таянчи**» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати ташкил этилди.

2022/2023 ўқув йилидан «Ватан таянчи» ҳаракати фаолиятида фаол иштирок этган ҳамда мактабни аъло баҳоларга тамомлаган ҳар бир «**Ватан таянчи**» отрядининг бир нафар аъзосига Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган танлаб олиш тартибига мувофиқ, олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун **имтиёзли тавсиянома** берилди.

МУРОЖААТЛАР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Мудофаа вазирлиги тизимида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш «**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги қонун талабларига мувофиқ ташкил этиб келинмоқда.

2022 йилнинг 1 январидан ҳозиргача Мудофаа вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами **2 114 та** мурожаат (Президентнинг **Виртуал қабулхонаси орқали 1 306 та, бевосита 559 та, Бош прокуратурадан 41 та**) келиб тушган. Тегишли идоралар ва ҳокимликларга тааллуқлилиги юзасидан **115 та** мурожаат юборилган. Қолган **1 973 та** мурожаат Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан кўриб чиқилган.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан **208 нафар** жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари бевосита идорада ҳамда сайёр қабуллар орқали қабул қилинган ҳамда уларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, таҳлиллар натижаси жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг энг кўп қисми ҳарбий хизматчиларни оилавий шароитига кўра хизмат жойини кўчириш, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш, ҳарбий хизматни тиклаш, уй-жойини хусусийлаштириш ва уй-жой билан таъминлаш, муддатли ҳарбий хизматга қақчириш, сафарбарлик қақчуруви резервига олиш масалалари ҳисобига тўғри келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари бўйича олиб борилаётган ишлар қатъий назоратга олиниб, натижалари юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгиланган.

Мурожаатлар таҳлили кўрсатмоқдаки, кўплаб фуқаролар бошқа йўналишлар қатори ҳарбий соҳадаги иш-лохотларни ҳам қўллаб-қувватлашни, Қуролли Кучларимиз қудратига ишоншини, Ватан ҳимоячиларининг фидойи хизматларидан миннатдор эканини билдиришган.

Мудофаа вазирлигида қонунлар, Президент фармонлари ва ҳуқуқат қарорларида белгиланган топшириқлар ўз вақтида бажарилиб, **ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, шахсий масъулият ва ташаббускорликни ошириш** ишлари изчил давом эттирилади. Бу эса, ўз навбатида, **Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлашга, мудофаа салоҳиятини кучайтириш ва қўшинларнинг жанговар шайлигини янада оширишга, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.**

"Men g'olib!"

Мустақиллиги-мизнинг 31 йиллик муборак тўйи яқинлашмоқда. Истиқлолга эришган илк йиллар билан юртимизнинг ҳозирги даврини солиштирадиган бўлсак, мамлакатимиз жуда катта ўзгаришларга юз тутганини, мислсиз ютуқларни қўлга киритганини англайсиз. Бу янгиланишларни ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада кузатиш мумкин.

ЎЗБЕКНИНГ МАНА ШУНДАЙ ЎҒЛОНЛАРИ БОР



Озодлик бағридаги ислохотлар самарасида Қуролли Кучлар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилдики, буни оддий сўз билан таърифлаш қийин. Айниқса, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасалар изчил ислохотлар натижасида туб янгиланишлар орқали дунёга бўй кўрсатмоқда. Бунда ўз соҳасини мукамал эгаллаган билимдон ва зақо, жасоратга қодир ҳарбий хизматчиларимизнинг халқаро ҳарбий беллашувларда эришган ҳайратга сазовор ютуқларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган мақоламиз қаҳрамони кичик сержант Алимардон Туратов ҳам халқаро миқёсдаги мерганлик баҳсида сафдошлари билан юқори натижани қўлга киритиб, мудофаамиз шаънини янада юксалтирди.

МЕРГАНЛИК МУСОБАҚАСИДА

Туркиянинг Эгривир шаҳридаги «Командо» ўқув маркази базаси. Маълум фурсатдан сўнг иштирокчи давлатлар ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Энг илғор мерганлар жамоаси» дея номланган халқаро мусобақага старт берилди. Беллашувда қатнашаётган 33 та жамоа тўққизта йўналишдаги мўлжалга олиш шартларини бажаришга шай. Ушбу халқаро мусобақанинг бошқа мерганлик баҳсларидан фарқи беллашув давомида вертолёт ва қайиқда ҳам ҳаракат вақтида отиш машқлари бажарилади. Мерганлар 1 000 метр ва ундан ортиқ масофада бўлган нишонни оптик мосламалар ёрдамида аниқлаб, белгиланган вақт орасида яксон қилиши шарт. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидан ташриф буюрган мерганлар жамоаси ҳам қаддини тик тутган ҳолда мусобақа бошланишини кутмоқда. Жамоадошлари орасида энг

ёши бўлган кичик сержант Алимардон Туратов халқаро мусобақаларда илк бор иштирок этиши. Шу сабаб йигитдаги ҳаяжонни тушунса бўлади.

Мана, кундузги ва тунги машғулотларни ўз ичига олган мусобақага старт берилди. Мерганлар белгиланган кун ва вақт мобайнида йигирма олти метрлик бино тепасида туриб, ердаги яширин нишонни йўқ қилиш, тоғ чўққисига чиқиб, пастдаги нишонларни забт этиш, заҳарли ҳудудларда газ ниқобида эмаклаб юриб, мерганликни намоиш этиш, ўрмон шароитида беш километр узокликдан яшириниб келиб, нишонни топиб ишдан чиқариш, ҳаракатланаётган вертолёт ва қайиқда туриб, нишонга теккизиш каби мураккаб машғулотларда эгаллаган касбий маҳоратларини синовдан ўтказишга киришди...

ЗОМИН ЎҒЛОНИ

Жиззах вилоятининг Зомини ҳақида сўз кетганда кўз олдингизда ястанган тоғлар гавдаланиши табиий ҳол. Чунки Зоминнинг аксар қисми тоғли ҳудудлардан иборат. Алимардон шу гўшанинг сўлим қишлоғида вояга етган. Болалигидан ҳарбий соҳага меҳр қўйишида ҳамқишлоқлари полковник Бахтиёр Ўрлобоев ҳамда подполковник Шерзод Раҳмонбердиевнинг ўрни катта бўлган. Алимардон буни қуйидагича изоҳлайди:

– Олтинчи синфда ўқиётганимда мактабимиздаги тадбирда ҳарбий хизматчи иштирок этди. У ватанпарварлик руҳидаги қизиқарли гаплари билан биздек ўйинқароқ болаларни ҳам ҳайратда қолдирганди. У ўз сўхбатида ҳарбий бўлишни истасак, яхши ўқишимиз, соғлом ва бақувват бўлишимиз ҳақида ҳам тўхталиб, маслаҳатлар берди. Бу инсон полковник Бахтиёр Ўрлобоев эди. Шу бўлди-ю, ҳарбий хизматчи бўлишга бел боғладим.

Дарҳақиқат, яхши инсонларнинг маслаҳати самараси ҳам яхши бўлади. Алимардон аскар бўлиш учун офицер таъкидлаган маслаҳатларга астойдил амал қила бошлади. Йиллар ўтиб, муддатли ҳарбий хизматни десантчилар ҳарбий қисмида намунали ўтаган йигит 2017 йил хизматни контракт бўйича давом эттиришга эришди. Хизматлари давомида миномёт командири ҳамда мерган вазифаларида фаолият юритди. Мерганлар тайёрлаш марказида таҳсил олиб, барча машғулотларда, яъни отиш, тактик, назарий фанлар, жисмоний тайёргарликдаги аъло натижаси учун кам фоиз битирувчиларга насиб этадиган мерганлик кўкрак нишонига сазовор бўлди. Оқруқ миқёсида ўтказилган «Men g'olib!» кўрик-танловининг яққалик баҳсларида юқори натижаларни қўлга киритди.

Қўмондонлик назарига тушган кичик сержант Алимардон Туратовдаги мерганлик иқтидори бир қатор синовлардан ўтиб, халқаро беллашувда иштирок этишига замин яратди.

– Туркияда қатор давлатлар иштирокида ўтказилган халқаро мерганлик баҳсида батальонимизда хизмат қилаётган кичик сержант Алимардон Туратовнинг иштироки барчамизни қувонтирди, – дейди полковник Азизбек Аҳмедов. – Машғулотда қатнашган Туркия генерали Алимардон иштирокидаги икки кишилик жамоанинг мерганлик маҳоратини кўриб: «Қани энди менинг ҳам мана шундай иккита жангчим бўлганда», дея юқори баҳо берган. Бу

мерганларимизга берилган ва албатта, кичик сержант Туратовнинг мерганлик иқтидорида қаратилган эътирофдир. Бундан фахрлансак арзийди.

«Энг илғор мерганлар жамоаси» халқаро мусобақада вакилларимиз фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Бутунлай нотаниш ҳудуд, машғулотлар ва нишонлар ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган ҳамда лазерли масофа ўлчагичларидан фойдаланиш тақиқланган ҳолатда етакчи давлатлар орасида бундай натижага эришиш қувонарли, албатта.

– Хизмат фаолиятимда ва жамоа билан жипсликда халқаро мусобақада эришган муваффақиятим учун, аввало, устозларимдан миннатдорман, – дейди кичик сержант Алимардон Туратов сўхбат чоғида. – III даражали сержант Шерали Назаров ва кичик сержант Ҳусниддин Мирзаматовдан олган сабоқларим сабаб касбимда ўрин топиб, ютуқларга эришиб келяпман. Мақсадим – командирим ва устозларим ишончини оқлаш, Ватаним ҳимоясига муносиб улуш қўшиш.

Кичик сержант Алимардон Туратов ҳақидаги мақоламизни бир сўз ила муҳтасар этадиган бўлсак, улугъ жаҳонгир бобомиз Амир Темур вориси бўлган ҳарбий хизматчиларимиз ва лавҳамиз қаҳрамони ҳамиша ўз шаъни, шавкати ва ғурурига муносиб бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Muqaddas burch

ЮРТГА СОДИҚЛИК ОНТИ

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти захира ва резервдаги офицерларни тайёрлаш курсида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг "Ватанга қасамёд" қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.



Тантанана Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талабаларнинг ота-оналари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар талабаларни ҳаётларидаги унутилмас кун билан қизгин табриклашди. Уларни келгусида ўз танлаган соҳасининг ҳақиқий профессионали бўлиб етишиб, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлишларига ишонч билдирдилар.

– Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этишга аҳд қилган бу ўғлонларнинг буюк аждодларимиз

анъаналарига содиқ қолиб, бунёдкор халқимиз тинчлиги, озод ва обод Ватанимиз фаровонлиги йўлида содоқат билан хизмат қилишларига тилакдошмиз, – дейди факультет бошлиғи полковник Тўлқин Нерметов. – Бугун ёшларнинг кўзида шижоатни кўрдим. Улардаги ғайрат ва интилувчанлик ҳам бошқа ёшларга ибрат бўлгулик. Шундай мард, жасур, ватанпарвар йигитлар бор экан, юртимиз мустақиллиги, тинчлиги бардавом бўлади, деб бемалол айта оламиз.

Майор Шерқўзи ҲАКИМОВ

O'ZBEKISTON MUDOFAA VAZIRLIGI JAMOALARINING «ARMI-2022»DAGI ISHTIROKI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida "O'zbekiston Mudofaa vazirligi jamoalarining "ArMI-2022" VIII Xalqaro armiya o'yinlaridagi ishtiroki" mavzusida brifing o'tkazildi. Unda mudofaa vazirining axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi – matbuot kotibi, Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti boshlig'i polkovnik Otabek Yuldashev axborot berdi.

Xususan, mamlakatimiz hududida ilk bor musobaqalarning 5 ta yo'nalishi bo'lib o'tadi. Jizzaxdagi "Forish" poligonida "Dala oshxonasi" va "Qurolsoz usta" musobaqalari, Samarqanddagi "Sazagan" poligonida "Xavfsiz muhit", Sharqiy harbiy okrugda "Yo'l patruli" va Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtida "Sodiq do'st" musobaqasi o'tkaziladi. O'zbekistonda bo'lib o'tadigan barcha musobaqalarga munosib tayyorgarlik ko'rilgan. Ya'ni barcha hududlarda, poligon va o'quv

markazlarida musobaqa ishtirokchilari uchun zamonaviy va qulay sharoitlar yaratilgan. O'zbekistonga keladigan xorij davlatlari harbiy jamoalari uchun diqqatga sazovor va tarixiy obidalarga ekskursiyalar, madaniy va dam olish hamda sport tadbirlari tashkil etilishi rejalashtirilgan.

Yurtdoshlarimizning bu kabi yutuqlarini ko'rib, bugun milliy armiyamizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar o'z samarasini berayotganiga amin bo'lamiz.

Ishonchimiz komilki, bu yil ham mamlakatimiz hamda xalqaro maydonlarda bo'lib o'tadigan musobaqalarda harbiy xizmatchilarimiz yurtimiz sha'nini munosib himoya qilib, davlat bayrog'ini baland ko'targan holda sovrinli o'rinlarga ega bo'ladilar.

**Mudofaa vazirligi
Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar
departamenti**



O'zbekiston Respublikasi
Mudofaa vazirligi

VIII XALQARO ARMIYA O'YINLARI

«ARMI-2022»

13-AVGUSTDAN 27-AVGUST
KUNIGA QADAR

37 TA
DAVLATDAN

34 TA YO'NALISH

275 TA JAMOA

O'ZBEKISTON MUDOFAA VAZIRLIGI 20 TA YO'NALISHDA ISHTIROK ETADI

MAMLAKATIMIZ HUDUDIDA ILK BOR MUSOBAQALARNING 5 TA YO'NALISHI BO'LIB O'TADI



«DALA
OSHXONASI»



«QUROLSOZ
USTA»



«XAVFSIZ
MUHIT»



«YO'L
PATRULI»



«SODIQ
DO'ST»

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI JAMOALARI ISHTIROK ETADI:

ROSSIYA FEDERATSIYASI

«ELBRUS HALQASI»
«AVTOZIRHLI
TANK-TEXNIKA
USTASI»
«QO'SHINLAR
RAZVEDKASI
A'LOCHISI»

«TANK BIATLONI»
«HARBIY-TIBBIY
ESTAFETA»
«HARBIY RALLI»
«MUHANDIS
FORMULASI»

BELARUS

«ISHONCHLI QABUL»
«QUTB YULDUZI»
«OTLIQ MARAFON»

QOZOG'ISTON

«ARMIYA TAKTIK
O'QCHISI»
«MERIDIAN»

JAZOIR

«DESANT VZVODI»

MO'G'ULISTON

VENESUELA

«MERGANLIK MARRASI»

ERON

«PROFESSIONAL
MERGAN»

O'ZBEKISTON MUDOFAA VAZIRLIGI JAMOASI 2021-YILDA O'TKAZILGAN XALQARO ARMIYA O'YINLARIDA

QO'LGA KIRITILGAN MEDALLAR

4 TA OLTIN 9 TA KUMUSH 4 TA BRONZA

10 TA REKORD NATIJA

O'ZBEKISTON MUDOFAA VAZIRLIGI JAMOALARI 42 TA DAVLATNING JAMI 277 TA JAMOASI O'ZARO KUCH SINASHGAN NUFUZLI MUSOBAQALARNING 24 YO'NALISHIDA ISHTIROK ETIB, UMUMJAMOA HISOBIDA II O'RINNI EGALLADI.

Okruglarda nima gap?

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони полковник Зокиржон Сайфутдинов бошчилигида округ тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда 2022/2023 ўқув йилининг I чорак якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Унда қўмондон ўринбосари ўтган чорак давомида округ қўшинларида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ўтказилган тадбирларнинг самарадорлиги хусусида маъруза қилди. Шунингдек, масъул ҳарбий

хизматчилар томонидан 2022/2023 ўқув йилининг II чораги учун режалаштирилган вазифалар муҳокама қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир якунида I чорак давомида намунали ҳизмат қилган бир гуруҳ ҳарбий ҳизматчилар округ қўшинлари қўмондони томонидан рағбатлантирилди. Ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилган «Энг илғор ҳарбий қисм», «Энг илғор батальон» ҳамда «Энг илғор взвод» номинацияси бўйича фахрли ўринларни қўлга киритган командирларга кўчма кубоглар топширилди.

**Тошкент ҳарбий округи
матбуот хизмати**

ЙЎЛДА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Нукус гарнизони маънавият ва маърифат марказида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган профилактик тадбирда гарнизон ҳарбий ҳизматчилари иштирок этди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан ташкил этилган учрашув давомида сўзга чиққанлар ҳарбий ҳизматчиларни транспорт воситаларини бошқаришда огоҳ ва ҳушёр бўлишга, техниканинг созлигини доимий назорат қилишга, хизмат сафари ва меҳнат таътилига чиққанда шахсий автоуловлардан фойдаланмасликка чақирди.

Халқимиз турмуш даражаси юксалиб бораётган бир вақтда йўлларда шахсий автотранспорт воситаларининг кўпайиб бориши маълум маънода кўпчиликнинг эҳтиёжини қондирса, бошқа томондан йўл-транспорт ҳодисаларининг ортишига олиб келмоқда. Бунга тажрибасиз ҳайдовчи ёки пиёдаларнинг бепарволиги асосий омил бўлиб хизмат қилаётгани ачи-нарлидир.

Белгиланган тезликка риоя қилмаслик, ҳайдовчининг тажрибасизлиги, оралиқ масофани сақламаслик, пиёдага йўл бермаслик, светофор ёки йўл белгисига амал қилмаслик, қувиб ўтиш қондасини бузиш ҳамда маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш каби омиллар, афсуски, ҳали-ҳануз йўл-транспорт ҳодисаларига боғлиқ статистик маълумотларда юқори ўринларни эгалламоқда.

Профилактик тадбир давомида Мудофаа вазирлиги Ҳарбий автомобиль назорати инспекцияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти томонидан тайёрланган мавзуга оид видеолар намоиш этилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати**

ЁШЛАР НУРОНИЙЛАР НИГОҲИДА

Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Ёшлар нурунийлар нигоҳида» шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.



Унда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳузуротидаги Жамоатчилик кенгаши ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари, нурунийлар, ёшлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган меҳмонлар бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди, ўқув хоналари, кутубхона, тренажёр ва спорт залларини кўздан кечирди. Мажмуавий тадбирлар доирасида



қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар намоишини, фахрий қоровул гуруҳларининг кўргазмалари чиқишлари, ҳарбий ҳизматчиларнинг замонавий тренажёрларда ўқ отиш бўйича машғулоти йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда Бухоро тумани маданият бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият улашди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

ОТА-ОНАЛАР ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Марказий ҳарбий округнинг Жиззах гарнизонидаги ҳарбий қисмга шу ерда хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий ҳизматчиларнинг ота-оналари таклиф этилди. Қўлида гулдаста билан ҳарбий ливосда қарши олган фарзандларини кўрган ота-оналар қалби ўғлонининг камолидан бениҳоя қувончга тўлди.



Шундан сўнг ҳарбий ҳизматчилар ота-оналари ва яқинларини ҳарбий қисмда яратилган шароитлар билан бевосита таништирадилар. Унда меҳмонлар миллий армиямизни ислоҳ этиш натижасида замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан бутлаш, ҳарбий ҳизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига қўлай шарт-шароитлар ҳамда қўшимча имкониятлар яратиш йўлида амалга оширилган ишлардан бохабар бўлди.

Тадбир давомида жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик бора-сида ҳарбий округ, Мудофаа вазир-

лиги ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муайян ютуқларга эришган аскарларнинг ота-оналарига ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ташаккурномалар топширилди.

Яқунда меҳмонлар ҳарбий оркестр жамоаси томонидан намоиш этилган концерт дастуридан баҳраманд бўлди. Фарзандлари билан ҳарбийча тушлик тановул қилиб, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуришди.

**Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати**

ТАЖРИБАНИ БОЙИТИШГА УНДАДИ

Ҳарбий қисм, батальон командирлари ва муассаса бошлиқлари ҳар томонлама шахсий таркибга ўрнатилган бўлиш, уларни тўғри бошқариш ҳамда ҳарбий ҳизматчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтирган ҳолда юқори қўмондонлик томонидан берилган топшириқларни тезкор бажаришга, шунингдек, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги учун жавобгар ҳисобланади.



Шу боис уларнинг касбий маҳоратлари ва тажрибаларини янада ошириб бориш йўлида ўтказилаётган ўқув-услубий йиғинлар муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай йиғинларнинг навбатдагиси Шарқий ҳарбий округнинг Фарғона гарнизонида округ қўшинларидаги ҳарбий қисм ва батальонлар командирлари иштирокида ташкил этилди.

Йиғин «Ҳар бир командир бевосита ўз бўйсунувчиларига ўргатади», «Устоз-шогирд», «Оддийдан – мураккабга» каби тамойилларига асосан, «Фарғона» дала-ўқув майдони ҳамда Марғилон шаҳридаги ҳарбий қисмда ташкиллаштирилди. Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўқув-услубий йиғин давомида масъул офицерларга унинг мақсад ва вазифалари бўйича тушунчалар берди. Йиғин иштирокчилари ўқув нуқталарида

керакли маълумотларни олиш билан бир қаторда ўзларининг билим ва кўникмаларини ҳам синовдан ўтказди.

Ўқув-услубий йиғиннинг навбатдаги кунда жисмоний тайёргарлик машғулоти ўтказилди. Бунда юрт ўғлонлари ўз маҳоратини намоён этган ҳолда жисмоний тайёргарлик меъёрларини бажаришди. Шундан сўнг ҳарбий қисмда ўқув йили дастурларига киритилган машғулотлар сифатини янада ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган назарий машғулотлар бўлиб ўтди. Бу каби ўқув-услубий йиғинлар ҳар бир командир ҳамда ҳарбий ҳизматчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, тажрибаларини янада бойитишга хизмат қилади.

**Шарқий ҳарбий округ
матбуот хизмати**

Ogohlik – davr talabi

ИНСОН ИНСОННИ СОТИШИ НАҚАДАР АЯНЧЛИ ВА ЖИРКАНЧ ҲОЛАТ ЭКАНЛИГИНИ ҲАММАМИЗ БИЛАМИЗ. АММО, МИНГ АФСУСКИ, ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ҚАБИҲ ИШЛАРНИ ҚИЛАДИГАН НОБАКОР ИНСОНЛАР ҲАМ МАВЖУД. ХХІ АСР – ТАРАҚҚИЁТ АСРИ БЎЛИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ЖИДДИЙ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИНСОНИАТНИ ХАВОТИРГА СОЛАЁТГАНЛИГИ ҲАМ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.



ОДАМ САВДОСИ –

ДАВР МУАММОСИ

Бугунги кунга келиб, асримизнинг жиддий глобал муаммосига айланган одам савдосига қарши курашиш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. АФСУСКИ, дунё бўйлаб бекиёс кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқотлар олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар «замонавий қуллик», яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида, айниқса, аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар, гўдаклар (*чақалоқлар*) ҳам борлиги ачинарли. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг аксарият – 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури «мерос» бўлиб ўтди, десак муболаға бўлмайди. Уларнинг биринчиси – халқаро терроризм ва дин нуқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатилиши, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик ҳуружлар, иккинчиси – наркотики бизнес ёки наркотрафик билан шуғулланган жинсий уюшмалар, учинчиси – одам савдоси билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан йилга кучаяётганидир.

2013 йилдан бошлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни» деб эълон қилиниши инсониятни ушбу жиноятга қарши курашишга ундаб келмоқда.

ОДАМ САВДОСИ ЎЗИ НИМА?

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёки бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ва манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишаларидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (*ёки*) ҳужайраларини ажратиб олишни англатади. Ҳозирги кунда дунё бўйича барча мамлакатлар одам савдосига қарши курашишмоқда, ҳатто одам савдосининг олдини олиш мақсадида турли қонунлар ҳам чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу жирканч жиноятга қўл ураётган

инсонлар ўзимизнинг давлатимизда ҳам мавжуд.

Шу сабабли, мамлакатимизда 2020 йил 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши айни муддао бўлди. Мазкур қонуннинг одам савдосига қарши курашиш соҳасида қуйидаги асосий йўналишларни амалга ошириши белгиланган.

Жумладан:

- одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, профилактика чора-тадбирларини, ахборотга оид чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

- одам савдосига қарши курашишга, шу жумладан, одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- одам савдосини ўз вақтида аниқлаш ва унга чек қўйиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

- одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя қилиш;

- одам савдосига қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, конференциялар, семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказишга доир фаолиятни, шунингдек, ушбу соҳадаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш;

- одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ва унинг соҳадаги асосий вазифалари белгиланди.

Ҳозирги вақтда одам савдосининг авж олишига, яъни инсондан қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса олди-сотдининг объекти сифатида фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- одам савдоси каби ноқонуний фаолият тури бир ёки бир неча аъзолардан иборат гуруҳларнинг сердаромад манбасига айланиб бораётгани, яъни уларнинг ҳеч қандай оғир ва машаққатли меҳнатларсиз мўмай даромад олишга уринаётганлиги;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг соддалиги, ўзининг, яқинларининг тақдирига ва келажагига бефарқлиги, лоқайдлигида. Яъни энг олий неъмат ҳисобланмиш эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан енгил ва беларволик билан қарашлари оқибатида ушбу одам савдосини амалга оширувчи жиноятчиларнинг ўлжасига, аниқроғи уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар;

- одам савдосини амалга оширувчи жиноятчи шахслар ўзларининг танишлари, яқин қариндошларига нисбатан, яъни уларнинг ишончига кириб олиб, уларнинг одам савдо-

сининг қурбонига айланиб қолишига сабабчи бўлаётганлигида;

- одам савдосининг қурбонига айланаётган шахсларнинг ор-номус қилиб, кўрган хўрликлари, уларга нисбатан ишлатилган турли хилдаги жисмоний ёки руҳий тазйиқлар ҳақида ёхуд ўзининг ноқонуний равишда чегарани бузиб чиқиб, чет давлатда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширганлигидан қўрқиб, булар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги.

Одам савдосига фақатгина Ўзбекистоннинг муаммоси сифатида қарашимиз нотўғри бўлади, чунки ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб, бутун дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда. Энг ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенг қулоч ёзишига – аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари – ишсиз юрган фуқаролар, турмуш ҳаётида кўп қийинчиликка учраган аёллар ва ота-онасининг эътибори ва қарамоғидан четда қолган вояга етмаган шахсларнинг гўёки уларнинг муаммоларини ҳал қилган каби кўриниб, ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланаётганлиги.

Одам савдосига қарши кураш борасида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга одам савдоси каби иллатнинг фаровон турмуш-ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, яъни аҳоли ҳажум жойларда, маҳаллаларда, таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий вазифалардан биридир.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши муқаррар.

Адлия полковниги Шерзод ХАЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ УЧУН

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ БОШЛАНҒИЧ ҲАРБИЙ
ТАЪЛИМНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ОЛАДИ. БУНДА ЧАҚИРУВГА ҚАДАР
БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ФАНИНИНГ
АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. «ВАТАНПАРВАР»
МУХБИРИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА
ЁШЛАРНИ ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИШЛАР ҲАҚИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ
БАХТИЁР САИДОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.



Bahrom ABDURRAHIMOV

БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури миллатни уйғотадиган, унинг дардига малҳам бўладиган, ҳар бир инсонда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини тарбиялайдиган умуммиллий дастур бўлиши кераклигини бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ҳам таълим соҳасини ривожлантириш борасида янги вазибалар юкламоқда. Шундай вазибалардан бири ёш авлодни ватанпарварлик, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларни юртига садоқатли, миллий урф-одат, қадриятларни эъзозлайдиган баркамол шахс қилиб тарбиялашдан иборат.

2019 йил 28 декабрда Халқ таълими, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан келишилган ҳолда, халқ таълими тизимидаги умумтаълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлар жадвалига «Директорнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича ўринбосари – Ҳарбий чақирувгача тайёргарлик раҳбари» лавозими киритилган. Ушбу лавозим мажбуриятларида ҳафталик 10 соатгача мазкур фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш белгиланган.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб чақирувгача тайёргарлик раҳбарининг иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабининг олий маълумотли ўқитувчиси базавий тариф ставкасига тенглаштирилди. Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги буйруғига асосан, ушбу фан ўқитувчилари амалдаги тартибга мувофиқ, 5 йилда бир маротаба фан бўйича малакасини оширади. Хусусан, жорий йилнинг август ойига қадар 817 нафар ўқитувчининг малакаси оширилди.

– Албатта, умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (ЧҚБТ) фани ўқитувчиларининг алоҳида ўрни бор. **Айтинг-чи, ҳозирги кунда халқ таълими тизимида ушбу лавозимдаги ўқитувчилар қандай талаблар асосида фаолият юритмоқда?**

– Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 7 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари тўғрисида»ги 393-сонли буйруғи қабул қилинган. Мазкур буйруқнинг 2-боб 4-қисмида умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) ўқитувчиси лавозимининг малака тавсифлари белгиланган. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги «Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ходимларининг лавозим мажбуриятларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 206-сонли буйруғида умумий ўрта таълим муассасалари директорининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича ўринбосари – Ҳарбий чақирувгача тайёрлаш раҳбарларининг намунавий лавозим мажбуриятлари тасдиқланган.

Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги қарорига асосан тасдиқланган «2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур»да ҳам ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш ишларини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилган.

ЧҚБТ раҳбарлари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг тавсияси асосида халқ таълими бўлими мудири томонидан лавозимга тайинланади.

– **Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик синфининг зарур жиҳозлар билан таъминлангани муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда мавжуд мактабларнинг нечасида**

мазкур фан машғулотларини ўтиш учун алоҳида синф ажратилган?

– Бугунги кунда республикамиздаги 10 130 та мактабдан 9898 тасида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиб, уларда 9 726 нафар педагог фаолият олиб бормоқда. Ўқитувчиларнинг 3 442 нафари (35,3 фоиз) олий таълим муассасаларини шу мутахассислик бўйича тамомлаган захирадаги офицерлар, 3 346 нафари (34,5 фоиз) Қуроли Кучлар сафидан нафақага чиққан ҳарбий пенсионерлар, 2 983 нафари (30,2 фоиз) эса номутахассис педагоглар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2019 йил 19 январдаги қўшма қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган концепцияга асосан жиҳозланмоқда ҳамда шу кунга қадар 9 898 та мактабнинг 7 972 таси зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Юртимиздаги 10-11-синфлари мавжуд бўлган 9 520 та мактабнинг ўқув-моддий базасини бутлаш ва амалиётда фойдаланиши учун 12 номдаги ўқув қуроли ва воситалари тарқатилди.

2022 йил 1-чорагида 164 та мактабда ватанпарварлик синф-

лари, 14 та мактабда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик синфи, 13 та мактабда тўсиқлар йўлаги, 17 та мактабда спорт майдончаси янгидан барпо этилди. Мазкур синфларда бошланғич ҳарбий таълим бериш билан бир қаторда, ўқувчиларнинг онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлиги ҳамда юртимиз мустақиллиги, равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғулари ҳаётини ва таъсирчан мисоллар орқали чуқур сингдириб борилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2022 йил 3 февралдаги «Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши асосида тасдиқланган режада мактаб ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифаси белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар бир туман (шаҳар)дан иккитадан умумтаълим мактабининг рўйхати шакллантирилиб, 410 та мактаб Мудофаа вазирлигига бириктирилди. Ушбу мактабларда аниқ дастурлар асосида ватанпарварлик тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Мудофаа вазирлигига бириктирилган умумтаълим мактабларининг 120 тасида «Амир Темур» ва «Жалолиддин Мангуберди» тематик синфлари ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги тизимида намунали хизмат ўтаётган ва давлат мукофотлари билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар фаолиятига бағишлаб, улар таҳсил олган 500 дан ортиқ мактабда «Мактабимиз фаҳри» номи тарғибот бурчаклари барпо этилди. Бу йўналишдаги ишлар келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилади.

– **Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармойишига кўра, умумий ўрта таълим**

9 520 та мактабга 600 дона ўқув автомати, 1 940 дона ўқув патрони, 376 дона ўқув қўл гранатаси, 150 дона танкка қарши граната, 940 дона Андрианов компаси, 10 000 дона газ ниқоб (противогаз), 7 000 дона санитария замбили, 28 560 дона индивидуал боғлам пакети, 9 514 дона тоза катта тивбий боғлам, 188 дона отиш тайёргарлиги бўйича электрон ўқув адабиёти тарқатилди.

муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилиши қайд этилган. Айтинг-чи, умумтаълим мактабларининг ЧҚБТ дарсликлари қачон янгиланади? Мазкур фан дарсликлари мазмунига миллий ўқув дастури асосида қандай замонавий ёндашув ва янги методикалар киритилади?

– Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига мувофиқ, таълим тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани узвийлигини таъминлаган ҳолда миллий ўқув дастури мажмуасини тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида 20 нафар мутахассис ва олимлардан иборат чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича эксперт гуруҳи ташкил этилди. Улар кўмагида мазкур фанни ўқитиш концепцияси ҳамда ўқув дастури лойиҳаси тайёрланди. Шунингдек, 10-11-синфларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича миллий ўқув дастури Республика таълим марказининг rtm.uz расмий сайтига ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси порталига (www.uzviylik.tdi.uz) жойлаштирилди.

10-11-синфларнинг ушбу фан бўйича миллий ўқув дастури келиб тушган 100 га яқин фикр-мулоҳазани инobatга олган ҳолда, Мудофаа вазирлигининг эксперт гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар шакллантирилди. Мазкур таклифлар асосида мавжуд ўқув дастурлари қиёсий жадваллар асосида таҳлил қилинди. Бирламчи таҳлилларга кўра, такрорланган мавзулар 68 та, узвийлиги таъминланмаган мавзулар 13 та, назарий машғулот туридан амалий машғулот турига ўтказилиши таклиф этилган мавзулар сони 7 та, қисқартириш таклиф этилган мавзулар сони 8 та, янги киритиш ёки такомиллаштиришга таклиф этилган мавзулар сони 6 та экани аниқланди ва дастурлар қайта такомиллаштирилиб, тузатилди.

Тўғриланган ўқув дастурлари иккинчи марта таълим инспекцияси сайтидаги (www.uzviylik.tdi.uz) муҳокама порталига жойлаштирилди ва уларга 150 дан ортиқ таклиф билдирилди.

Кейинги босқичда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани концепцияси ва 4 та ўқув дастури (умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари учун) Мудофаа вазирлиги, Бухоро давлат университети, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Фарғона давлат университетига экспертиза учун берилди. Ушбу муассасаларнинг тажрибали мутахассисларидан бир ой давомида хулосалар олинди. Сўнг концепция ва ўқув дастурларини тузган ишчи гуруҳ аъзолари ва масъуллар томонидан яна таҳрирланди, тегишли ўзгартиришлар киритилди ва яхлит ҳолатга келтирилди.

Мазкур мажмуа чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича узлуксиз таълим тизимининг ягона концепцияси, умумий ўрта таълимнинг 10-11-синфлари учун ўқув дастури, академик лицей учун икки йиллик ўқув дастури, бошланғич профессионал таълим, яъни касб-хунар мактаблари учун икки йиллик ўқув дастури ва олий педагогик таълимнинг ўқув дастурларидан таркиб топган «Чақирувга қадар бошланғич

тайёргарлик бўйича Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимнинг миллий ўқув дастури» лойиҳаси ҳисобланади.

Умумий ўрта таълимнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув дастурига олий таълим бўйича педагогика йўналишидаги ўқув дастури мос равишда танланди ва узвийлиги устида ишланди. Бундай тажриба, яъни таълим тизимининг барча босқичлари учун ўқув дастурларининг бир мажмуа таркибига киритилиши ва уларни умумлаштирувчи ягона концепция орқали мустаҳкамланиши биринчи мартаба амалга оширилди.

Бундан ташқари, 2022/2023 ўқув йилида миллий ўқув дастури асосида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дарсликлари, ўқув-методик қўлланмалари, электрон ўқув мажмуаларини ишлаб чиқиш, фанни ўқитиш учун мавзулар кесимида замонавий педагогик технологияларнинг электрон базаси (ўқув конспектлари, слайдлар, кўргазмалар, плакатлар, тўпламлар, мультимедиа тақдиротлари)ни яратиш режалаштирилган.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфлари учун ЧҚБТ фанидан 7 номда қарийб 650 000 нусхада, 2023/2024 ўқув йилида эса 11-синфлар учун ҳудудий бошқармалар томонидан олинган буюртмалар асосида 7 номда қарийб 650 000 нусхада дарслик ҳамда ўқув-методик қўлланмалар нашрга тайёрланиши ва чоп этилиши режалаштирилган.

– Мактабларда қатъий тартибни сақлаш, ўқувчиларни меъна интизомга ўргатишда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида эркак ўқитувчиларнинг улуши қанча?

– Республикамиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган эркак ўқитувчилар сонининг ўсишини таҳлил қиладиган бўлсак 2021–2022 ўқув йилида 502 687 нафар педагогдан 158 720 нафари (31,6 фоиз)ни эркак ўқитувчилар ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 25 513 нафарга ортган бўлиб, унда ЧҚБТ ўқитувчиларининг салмоғи алоҳида.

– Халқ таълими вазирлиги томонидан 2021/2022 ўқув йили якунида умумтаълим мактабларининг битирувчилари ўртасида қайси касб (соҳа) ёки хунарни танлаши юзасидан сўровнома ўтказилди. Унга жами битирувчиларнинг қанчаси қамраб олинди? Респондентлар жавобининг умумий кўрсаткичида ҳарбий соҳага қизиқтиш салмоқли ўрин эгаллаганими?

– Битирувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган ушбу сўровномада 378,8 минг нафар (97,7 фоиз) 11-синф ўқувчиси қатнашди. Уларнинг 306,3 минг нафари олий таълим муассасаси, 18,6 минг нафари техникум ва коллежларда ўқишни давом



эттириш, 10,4 минг нафари ҳарбий хизматга бориш истагида эканини билдирган. Албатта, ҳарбий хизматга бориш истаги битирувчи синф ўғил болаларига тегишли эканини инobatга олсак, қайд этилган рақамлардан йигитларнинг ҳарбий соҳага қизиқиши юқори эканини англаш қийин эмас.

– 2020 йили Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Мудофаа вазирлари кенгаши қарори билан «Ҳарбий соҳада дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кенгаш белгиси билан тақдирланганингиз бежиз эмас. Сизнингча, мактабда ёш авлод қалби ва онгига ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси қандай сингдирилиши керак? Бу жараёнда барча педагоглар, хусусан, ЧҚБТ ўқитувчиларининг ҳаракати, меҳнатини 5 баллик мезон асосида қандай баҳолайсиз?

– Мактаб ўқувчиларининг қалби ва онгига ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини, энг аввало, оиладан бошлашимиз керак. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига тўғри тарбия бера олса, у мактабда устозлари берган ўғитларга риоя қилади.

Ўқувчиларга ватанпарварлик туйғусини сингдириш учун кўпроқ амалий учрашувлар, давра суҳбатлари ва тематик дарсларни кўпайтириш зарур. Ҳозирги кунда мутахассис ЧҚБТ раҳбари сони жами 6 788 нафар (69,8 фоиз)ни ташкил этишини ҳисобга олсак, улар меҳнатини 5 балл асосида баҳолашга, менимча, ҳали эрта ва шуни аниқ биламанки, бу борада ҳали қилинадиган ишларимиз жуда кўп.

– Сизнингча, «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар

ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати мактаб битирувчиларининг истиқболига қандай таъсир кўрсатади? Жорий йилда Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари ўртасида қандай ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди?

– Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати ташкил этилди. 2022/2023 ўқув йилидан «Ватан таянчи» ҳаракати фаолиятида фаол иштирок этган ҳамда мактабни аъло баҳоларга тамомлаган ҳар бир «Ватан таянчи» отрядининг бир нафар аъзосига Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган танлаб олиш тартибига мувофиқ, олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилиши мактаб битирувчилари учун катта имкониятдир.

Мудофаа вазирлиги билан биргаликда «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзосини баҳолаш мезонига изоҳлар ишлаб чиқилди. Мазкур ҳаракат ва унинг аъзоларига имтиёзли тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низо тасдиқланди. Шунингдек, «Ватан таянчи» ҳаракати ҳузурида вазирлик кенгаши, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳузурида эса мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилди.

Мухтасар айтганда, Мудофаа вазирлиги билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлар эртанги кунимиз учун муҳим саналган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий омили бўлиб қолади, деб ўйлайман.

– Мазмуни суҳбатингиз ва берган маълумотларингиз учун ташаккур!

«Vatanparvar» муҳбири лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ суҳбатлашди.



ИЛҒОР ЕТАКЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Мудофаа вазирлиги кўшинларидаги «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» ҳамда «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танловининг вазирлик миқёсидаги якуний босқичи ўтказилди.

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган танловда ҳар бир иштирокчининг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Худудлардаги бешта ҳарбий округ ва иккита қўмондонликдан жами 14 нафар бошланғич ташкилот етакчиси иштирок этган беллашув қизгин ва мурасасиз ўтди.

Унда ҳарбий хизматчилар учта шарт бўйича ўзаро куч синашди. Жумладан, етакчилар амалга оширган ишлар, келгусидаги режалар ва инновацион қарашлари бўйича маърузаларини тақдимот шаклида намойиш этди. Шунингдек, савол-жавоб, ҳарбий қисм ва муассасаларда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчисининг амалий фаолияти юзасидан тайёрланган видеоролик ҳакамлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳар бир шарт 5 баллик тизимда баҳоланди.

Шаффоф ва синчковлик билан чиқишларни кузатиб борган ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» йўналишида Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигидан майор Нуриддин Одиллов 1-ўринни қўлга киритди. Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирининг бошланғич ташкилот етакчиси капитан Шерзод Рейимовнинг энг сўнгги жиҳозлар билан безатилган хонаси эса мутлақ ғолибликка сазовор бўлди.

Бошланғич ташкилот етакчиларига қўйилган биринчи талаб ташаббускорлик ва янги ғоялар устида ишлашдан иборат. Бугунги кунда «Инсон қадри учун» тамойили асосига йўғрилган ғоялар устида ишляпмиз, – дейди майор Нуриддин Одиллов. – Раҳбарият томонидан бизга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, ташкилот аъзоларини бир ғоя остида бирлаштиришга интиляпмиз. Шу йўлда ҳарбий қисм ёшлари билан бирга-



ликда Ватан равнақи йўлида ўз хиссамизни қўшяпмиз. Бугунгача амалга оширган ишларимизни юқори баҳолаб, «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» деган мақомга лойиқ кўрилганимдан жуда хурсандман. Аслида Ватанимни ҳеч бир тамасиз севаман. Бугунги менга берилган ишонч янада масъулият юклайди. Олдимизга қўйган улғу мақсадларимиз сари жамоамиз билан олға интилишдан тўхтамаймиз.

– Танловнинг «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» йўналишида биринчи ўрин бизга насиб этди, – дейди капитан Шерзод Рейимов. – Аслида бунинг тағ-замирида раҳбариятнинг ҳиссаси катта. Ёшларни қўллаб-қувватлаб, шундай имкониятларнинг яратиб берилиши бизни янада кўпроқ янги ғоялар устида ишлашимизга замин яратади. Йўналиш сардорлари билан биргаликда ташкилотга аъзо бўлган ёшлар билан узлуксиз амалий ишларни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ҳамда ёндош туманлардаги хулқи оғир ёшларни тўғри йўлга бошлашдек хайрли ишларни бошлаганмиз. Олдинда режаларимиз бисёр. Буларнинг барчасини жамоамиз билан биргаликда амалга оширамиз. Ватанинг сени қўллаб турган юртда истиқомат қилиш ва унинг ривож учун бор имкониятнинг билан ҳаракатда бўлиш бахти ва шуқуҳи кишига завқ берар экан. Озгина қилган ҳаракатинг

юксак баҳоланишидан-да улкан эътироф бўлмаса керак.

– Мудофаа вазирининг буйруғига асосан, «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» ҳамда «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танлови ҳарбий қисм, гарнизон ҳамда ҳарбий округлар кесимида ўтказилди, – дейди подполковник Сардор Абдусаматов. – Бугун вазирлик миқёсида ўтказилган беллашувда энг сара бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Бу танловдан асосий мақсад ҳарбий қисмлардаги ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, жойларда қўлланилаётган янги иш услубларидан бир-бирларини бохабар этиш, тажриба алмашишдан иборат. Қайсидир маънода, биз кўзлаган мақсадимизга эришдик. Ҳайъат аъзоси сифатида ғолибларни аниқлашда қизгин мунозаралар бўлганини яширмайман. Кўриб турганингиздек, куйи бўғинлардан сараланган етакчилар орасидан энг сарасини аниқлаш осон бўлмади. Аммо барчаси шаффоф ўтди ва ҳайъат аъзолари адолатли қарорни чиқарди.

Танлов сўнггида Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи полковник Меҳриддин Қўчқоров ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни тантанали равишда топширди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Adabiy jarayon

БИЛИМДОНЛАР ТАНЛОВИ

Мудофаа вазирлиги кўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини бойитиш, уларнинг онгида тарихимиз, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромни юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлом рақобат руҳини қарор топтириш мақсадида кўплаб танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли ёзувчи, жамоат арбоби Ўткир Ҳошимовнинг бетакрор ижодий мероси, инсоний фазилатлари акс этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий

фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини ёш авлодга етказиш ҳамда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида «Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони» танловининг кўмондонлик босқичи ўтказилди.

Танлов низомига кўра, билимдонлар «Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони», «Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодига назар» ва «Тезкор савол-жавоб» каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона ва шаффоф тарзда баҳолаб борилди.

Умумий натижаларга кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси капитан Сарварбек Хўжанов ғолибликка сазовор бўлиб, танловнинг Мудофаа вазирлиги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқунда танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалар топширилди.



Tanlov

ФАЙЗИЁБ МАСКАНЛАР

Ҳарбий хизматчилар учун замонавий қулайликлар яратиш, шахсий таркибнинг зарур билимларни эгаллаш имкониятини такомиллаштириш, ташаббус ва илғор ижодкорлик тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда «Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси» танловининг кўмондонлик босқичи ўтказилди.

Видеоконференц-алоқа орқали онлайн тарзда ўтказилган танловда иштирокчилар 2 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари тақдим этилаётган объектнинг замонавий ва ўзига хос дизайнда жиҳозлангани, ёруғ ва шинамлиги, белгиланган та-



лабларга мувофиқ кўргазмали ахборот стендларининг мавжудлиги сингари мезонлар асосида ҳолис, одилона ва шаффоф тарзда баҳолаб борилди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туманида жойлашган ҳарбий қисмдан подполковник Ҳус-

ниддин Андаев томонидан намойиш этилган маънавият ва маърифат хонаси фахрли 1-ўринни эгаллаб, танловнинг Мудофаа вазирлиги босқичига тавсия этилди.

Яқунда ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Harbiy-vatanparvarlik

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН



Мудофаа вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларидан бирида «Миллий армиямиз ёшлар учун жасорат, матонат ва ҳақиқий қаҳрамонлик мактабидир» мавзусида маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги маҳалларда истиқомат қилувчи ёшлар иштирокида ўтказилган ушбу тадбир ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда иштирок-

чилар дастлаб кўмондонлик ҳудудидаги замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозланган «Ёшлар хиёбони», «Адиблар боғи», «Ҳарбий тарих музейи», «Янги Ўзбекистон музейи» каби маънавият масканлари, спорт

мажмуаси ва амалий ўқув ўқ отиш хонаси билан танишди.

Бешта муҳим ташаббус доирасида ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида кўмондонлик спорт майдончасида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Шу куни ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги амалий ҳаракатлари ва фахрий қоровул взводининг чиқиш-

лари эртамиз эгаларида унутилмас таассурот қолдирган бўлса, кўмондонликнинг истеъдодли ҳарбий хизматчилари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар барчага бирдек манзур бўлди.

Бу каби тадбирлар ёшларни юсак ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга мамлакатимизнинг барча соҳалари учун фидойи, жонкуяр, ўз касбига садоқатли ва етук кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Harbiy psixolog nima deydi?

Инсонинг жисмоний имкониятлардан тўлиқ фойдаланишида унинг рухий тетиклиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, рухий тетиклик – муваффақият омили, куч-қувват манбаи.

Бу хислатлар ҳарбий хизматчиларнинг унумли ва самарали хизмат фаолиятига асос бўлаётганини ҳисобга олсак, ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган ҳарбий психологларнинг вазифасини тўлиқроқ англаймиз. Хўш, улар ўз йўналишида қандай ишларни амалга оширмакда?

Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ижтимоий-психологик тадқиқотлар бўлими катта офицери капитан Ўктам Очилов билан суҳбатлашдик.

– Психология алоҳида мутахассислик сифатида жамиятимизга кариб келганига кўп бўлмади. Аммо тарихий манбаларда бу соҳага дахлдор инсонлар бўлгани ҳақида ўқиймиз. Улар Ватан ҳимояси йўлидаги аждодларимиз руҳиятини кўтарган, қалбларига мардликни жасоратни сингдира олган. Айтинг-чи, бундай инсонларни ўша замоннинг ҳарбий психологлари десак бўладики?

– Дарҳақиқат, саркарда боболаримизнинг ҳарбий санъати, стратегиясида аскарларнинг ғайрати ва жанговар руҳи биринчи ўринга қўйилган. Жанговар ҳаракатлар давомида психолог ўзига хосликларни ҳисобга олган саркардалар энг йирик ғалабаларга эришдилар ва уларнинг номлари тарихда қолди. Ғалабада моддий ва номоддий мукофотлар ваъдаси, мағлубиятга учраган тақдирда жазонинг муқаррарлиги, душманни турли бўёқлар, қичқириқлар ва қўрқинчли кийимлар билан қўрқитиш, қўмондоннинг шахсий намунаси каби усуллар ёрдамида бир томондан душманга руҳий босим ўтказиш, иккинчи томондан эса ўз аскарларини руҳлантириб жангга жалб қилишда фаол фойдаланилган.

Соҳибқирон Амир Темурни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида тан олиншида ҳам унинг ҳаммага адолатга таянгани, туғма стратегияси, руҳий жиҳатдан кучли шахслиги, ҳарбий тактика ва давлат бошқаруви борасидаги юксак салоҳияти, шу билан бирга, қўшиндаги интизом ва аскарларнинг руҳий ҳолатини муҳим деб ҳисоблаши асос бўлган.

– Умуман, ҳарбий психологиянинг фарқли жиҳатлари нимада?

– Инсонда жисмоний танадан ташқари ундан фарқланувчи яна нимадир борлиги ҳақидаги тасаввурлар қадимданок мавжуд бўлган. Шу сабабли инсон психикасини ўрганиш,

ўз қобилият ва иқтидорини билиш, турли вазиятлар, ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок этиш, тафаккур қилиш қобилиятини ривожлантириш масалаларига қизиқиш ортиб борган. Натижада психология соҳаси ривожланиб, психолог мутахассисларга талаб пайдо бўла бошлаган.

Ҳарбий психолог мана шу масалаларни ўрганиш билан биргаликда фуқаролик соҳасида ишлайдиган психологлардан фарқли равишда ҳам тинчлик, ҳам ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳарбий хизматчилар ва умуман, ҳарбий ҳаёт билан боғлиқ бўлган фуқароларга

даражаси ва ишчанлик қобилияти пасайиши, ҳарбий хизматчи шахсий сифатларининг издан чиқиши кузатилиши мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ёки таъсирини енгиллатиш мақсадида қуйидаги асосий усулларни амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Ҳаётга ақл, донишмандлик билан ёндашиш. Ҳар қандай вазиятда танлов ёки ундан чиқиш йўллари мавжуд бўлади. Мураккаб вазият инсоннинг мустаҳкамлигини текширади – бардош бера оладими ёки йўқми деб, синовдан ўтказилади. Ўз олдингизга эришмоқчи бўлган ҳаётини мақсадларингизни доимо имкониятларингизга қараб қўйинг. Гап орзу-умидлардан воз

ўзларидан ташқари уларнинг оиласи билан ҳам психологик ишларни амалга оширасизларми?

– Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг туғилган, кўз очиб кўрган ва униб-ўсиб вояга етган муқаддас даргоҳи бу оиладир. Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган ҳарбий хизматчилар, аввало, ўз оиласига сўянади. Ҳарбийларимиз оилада бахтли, кўнгли тўқ ва хотиржам бўлса, хизматларида ҳам самарадорлик ортади. Шу жиҳатдан ҳарбий психологлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидаги психологик муҳитни янада соғломлаштириш

ОИЛАСИДАН КЎНГЛИ ХИЗМАТИДА

тезкор психологик ёрдам кўрсатувчи, ҳарбий хизматчи ўз фаолиятида тўқнаш келадиган муаммоларни таҳлил қилиб, уларни ҳал этишга йўналтирувчи мутахассис ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳарбий психологлар ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштириб, қарорлар қабул қилса-да, барча ҳаракатларини юқори раҳбарият билан мувофиқлаштиради, бу эса аниқ ва тўғри фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ўзига хослик ҳарбий психолог томонидан ҳал қилинадиган вазифаларда, қўлланиладиган усул ва воситаларда, шунингдек, унинг фаолият шароитида намоён бўлади. Яъни у доимий равишда ҳарбий хизматчиларни кузатиб боради, турли методикалар, тестлар ва сўровлар ўтказилади, шунингдек, олинган маълумотлар асосида таҳлилий материаллар тайёрлайди. Яна бир фарқли тарафи, ҳарбий психологларимиз соҳа бўйича чуқур ва замонавий билимга эга бўлиш билан бирга, ҳарбийларга хос вазминлик, қатъийлик, итоаткорлик, интизомлилик, маълумотларни сақлашни билладиган масъулиятли шахс кўникмаларига эга.

– Сир эмаски, ҳарбийлик касбига ҳавас билан қарайдиган ёшлар жуда кўп. Аммо шунинг унутмаслик керакки, ҳарбий либос ортида ҳам юрак бор. Стресс, депрессия, келишмовчилик ва тушунмовчилик каби ҳолатларга тушмасликдан улар ҳам қафолатланмаган. Шу ўринда ҳарбий психологлар енгиллатиш ёки олдини олишда қандай усулларни амалга оширмакда?

– Ҳарбий хизмат ўзининг мураккаблиги ва хавфлилиги жиҳатидан инсон фаолиятининг энг стрессоген турларидан бири қаторига киради. Кўп ҳолатларда стрессларга қарши тура олмаслик, кризисли вазиятларни еча олмаслик натижасида ҳарбий хизматчилар қийин ҳаётини вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Бунинг натижасида уларнинг хизматдан, ўзининг касбидан қониқиш

кечиш ҳақида эмас, режаларингизни, хоҳиш-истакларингизнинг реаллиги ҳақида ўйлаб кўриш ва мақсадларингизни ўз имкониятларингиздан биров юқори қўйиш ҳақида кетмоқда.

2. Ўзининг кундалик фаолиятини фаол лойиҳалаштириш, реал воқеликка мослаштириш. Бу тамойилга риоя қиладиган инсонларни бошқача сўз билан айтганда, фаол ҳаётини позицияга эга инсонлар, деб аташади. Фаол инсонлар шуниси билан фарқ қиладик, воқеа ва ҳодисалар уларни кутилмаганда қарши олмайди, саросимага тушириб қўймайди. Улар шундай вазиятларга қисман тайёр бўладилар. Пассив одамлар стрессоген вазиятлардан ўзини четга олишга, қочишга уринадилар. Бундай ҳолатларда стрессли вазият ўз ечимини топмайди, балки қўшимча муаммоларни келтириб чиқариб, вазиятни янада мураккаблаштиради, натижада янада чуқурроқ ҳис-ҳаяжонларни, психосоматик касалликларни келтириб чиқаради.

3. Профессонал кундалик фаолиятни ва шахсий ҳаётнинг стрессоген омилларини олдиндан кўра билиш ва уларга тайёр туриш. Стресс ва кризисларнинг олдини олишда ушбу ёндашув профилактик тадбирларни назарда тутати. Яъни турли методикаларни қўллаш, ўз-ўзини ва атрофдаги ўрганиш орқали эҳтимолли стрессларни олдинроқ аниқлаш ҳамда стрессга доир адабиётлар орқали мураккаб ҳаётини вазиятларда ўзини қандай тутишга ўргатиш кабилардир.

Рухий ўзини ўзи бошқаришнинг у ёки бу усулини танлаш индивидуал характерга эга бўлиб, ҳарбий хизматчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқдир.

– Оила – муқаддас тушунча. Унинг тинч-тотувлиги учун оила устуни бўлмиш эркалар масъул. Турмуш давомида (айниқса, ҳарбий хизматчилар орасида) мослашиш жараёни синовли давр ҳисобланади. Ўша даврда баъзи оилавий келишмовчиликлар юзага келиши табиий. Сиз ва сизнинг жамоангиз ҳарбий хизматчиларнинг

ва мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган турли инқирозли ҳолатларда психологик маслаҳат бериш, ҳарбий хизматчилар фарзандларини шахс сифатида баркамоллаштиришга қаратилган фаол тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада, айниқса, Нукус гарнизонидаги ҳарбий маҳаллада ташкил қилинган оилаларга психологик маслаҳат бериш тизимини алоҳида намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим орқали маҳаллада истиқомат қиладиган ҳарбийларнинг оила аъзоларига руҳий ва эмоционал кўмак бериш, фарзанд тарбияси, айниқса, балоғат ёшига етаётган ва ўсмирлик давридан ўтаётган болаларнинг хулқ-атворида рўй бераётган ўзгаришларда, нафақага чиққан ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоийлашув жараёнларининг осон кечишини таъминлашда амалий кўмак берилиб, турмуш фаровонлиги таъминланади.

Бундан ташқари, мутахассислар томонидан ҳарбий хизматчилар оилаларидаги маънавий-ахлоқий муҳитни ўрганишга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиб турилади. Ўтган йили олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳарбий оилаларнинг ўз ҳаётидан мамнунлик даражаси юқори даражада эканлиги (91,4 фоиз), оила энг қадрли, муқаддас қўрғон сифатида қаралиши (94,9 фоиз) маълум бўлди ҳамда эр ва хотиннинг бир-бирига ўзаро ишончи, ҳурмати, фарзандлар тарбиясига эътиборли бўлиши, ҳарбий хизматчига ўз оиласи билан бирга бўлиши учун етарлича вақт ажратиш бериш, оила аъзолари билан саёҳатга ва маданий ҳордиқ чиқариш масканларига биргаликда бориши каби ҳолатлар оилани мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган.

– Юртимиз армиясининг салоҳияти дунё рейтингига ўз ўрнига эга. Демак, унинг руҳий ҳолати анчайин тетик...





– Халқаро армия ўйинлари, турли ҳарбий ва спорт мусобақаларида ҳарбий хизматчиларимизнинг юқори ўринларни забт этаётгани, албатта, барчамизни қувонтиради. Биргина «АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинларида иштирок этган миллий армиямиз ўғлонлари жонажон юртимизнинг қудрати ва салоҳиятини яна бир бор тўла-тўқис кўрсата олди. Дунёнинг 11 та давлати ҳудудида ўтказилган мусобақаларда 42 та давлатнинг жами 277 та жамоаси, бошқача айтганда 5 000 дан ортиқ ҳарбий хизматчилари ўзaro куч синашиб, Ўзбекистон Республикаси жамоалари ҳам ушбу нуфузли мусобақаларнинг 24 йўналиши бўйича

мушакларини бўшаштиришга қаратилган ўз-ўзини бошқариш формуласидан фойдаланиш зарур. Бу мияга безовталиқ импульсларининг етиб боришини чеклайди. Бу ҳолатда ўз-ўзини бошқариш формуласи кўйидагича бўлиши мумкин: «Бўлаётган воқеаларга менинг муносабатим тинч; мен ўз кучимга тўлиқ ишонман; менинг диққат-эътиборим бажарилаётган ҳаракатга қаратилган; ҳеч бир ташқи омил мени чалғита олмайди; қийинчилик ва қутилмаган ҳолатлар фикримни жамлашга ёрдам беради». Бу каби формула хаёлан ёки овозни чиқариб бир неча бор (5-6 марта) айтиш керак.

Шунингдек, куч ва хотиржамликни тиклаш учун ўз-ўзига сингдирув-

социологларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йилларда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида ҳарбий психологларнинг малака ошириш курси ташкил қилинди. Бу йил эса давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида биринчи мартаба «Psixosfera» амалий психология марказида ҳарбий психодиагностика, амалий ҳарбий психология асослари, ҳарбий хизматда психологик консалтация ўтказиш методикаси, ҳарбий-психологик коррекция асослари, суицидал хулқ профилактикаси, психологик тренинг ўтказиш методикаси каби йўналишларда малака ошириш курси ташкил қилинди.

гик ва социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

Қисқа муддат ичида ҳарбий қисмларда шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини барқарорлаштириш ва психопрофилактик тадбирларни самарали ўтказишга хизмат қилувчи руҳий зўриқишларни ечиш хоналари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида бўлим томонидан ҳарбий психологлар ва барча поғонадаги командирларнинг самарали фаолият олиб боришига хизмат қиладиган 20 номдан ортиқ психология, педагогика ва социологияга оид долзарб мавзулардаги ўқув-услубий қўлланмалар

ХОТИРЖАМ ҲАРБИЙНИНГ САМАРАДОРЛИК БЎЛАДИ

муносиб иштирок этди ҳамда умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллади. Бундай натижалар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг ортида қўшинларда доимий равишда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарлик машғулоти ҳамда психологик барқарорликни таъминлашга қаратилган ишларнинг самараси турибди, десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, айнан мазкур йўналишда қўшинлардаги ҳарбий психологлар томонидан турли мусобақалар даврида ҳарбий хизматчиларда мардлик, жасурлик, ўзини йўқотмаслик, ижрочилик, фаоллик, ташаббускорлик кўрсатиш, жанговар техника ва қуролларни моҳирона қўллаш каби сифатларни намоён қилган ҳолда беллашувлардаги руҳий ва жисмоний юкламаларни сабот ва матонат билан енгиб ўтиш қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган психологик машғулотлар олиб борилади.

– Руҳий тушқунлик ва ички хотиржамликнинг йўқолиши турли нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳарбий хизматчининг ўз-ўзига ва жамоадошига бирламчи тарзда психологик ёрдам бериш техникаси мавжудми?

– Ҳар қандай шароитда ҳам иродали, шижоатли одамлар олдинга қараб интиладилар. Ўзини яхши англаган, ҳиссий-эмоционал ҳолатини назорат қила оладиган, мақсадларини тўғри қўйган ва унга етишиш учун астойдил ҳаракатда бўладиган инсонларда ҳеч қачон тушқунлик кайфияти бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз-ўзига махсус сўзлар ва хаёлий тасаввурлар ёрдамида мустақил таъсир кўрсата олиши мумкин. Бу психологик ўз-ўзини бошқариш деб аталади. Масалан, амалий тажрибанинг кўрсатишича, ҳаддан зиёд асабий-руҳий зўриқишни камайтириш мақсадида «мен хотиржамман», «ўзимни тетик, яхши ҳис қиляпман», «мен бардам ва ишончга тўламан» каби далда бўладиган сўзлар формуласини хаёдан ўтказиш (ёки талаффуз этиш) фойдали бўлади.

Шу билан бирга, безовталиқ ва қўрқув ҳолатини енгиш учун тана

чи уйқудан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда ҳарбий хизматчи маълум бир вақтга ўзини уйқуга кетишига ҳамда ундан мустақил равишда тетик ва дам олган ҳолда чиқа олишига ўргатиши керак. Сингдирилган уйқунинг давомийлиги 20 дақиқадан 40 дақиқача бўлиши мумкин. Ўз-ўзини ухлатиш формуласи одатда, руҳият ва мушакларни машқ қилишга қаратилган формуладан кейин бирдан айтилади. Масалан: «Мен бўшашганман, ...менинг уйқум келяпти, ...у борган сайин кучайиб боряпти, ...қовоқларим оғирлашиб, юмилиб кетмоқда, ...кўзларим юмилипти, ...тинч-осуда уйқуга чўкяпман...» каби. Ушбу ҳар бир сўз бирикмасини хаёлан тасаввур қилиб, аста-секин паст оҳангда ифодалаш лозим.

– Психология ўз устида доимий ишланадиган соҳа. Қаршида турган мижозга битта сўзни қайта ишлатиш ва бир мартаба қўлланилган методика иккинчи марта самара бермаслиги тажрибада синалган. Шундай экан, ҳарбий психологларнинг малакасини мунтазам ошириш учун қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Вазирлик қўшинларида хизмат қиладиган ҳарбий психологларни қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси томонидан ҳарбий психолог ва

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги етакчи олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларининг соҳа бўйича профессор-ўқитувчилари, Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идораларда фаолият олиб бораётган масъул мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўзaro тажриба алмашиш ва соҳага оид илмий-услубий янгилликлар билан таништириш мақсадида 15 дан ортиқ ўқув-услубий йиғинлар ташкил қилинди ва улар ҳозирги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

– Ҳарбий психологлар фаолият бошлаганига кўп бўлмади. Нималар ўзгарди? Ютуқлар ва қилиниши керак бўлган ишлар?

– Ўтган тўрт йил давомида вазирлик қўшинларида илк мартаба жорий қилинган мазкур соҳа мутахассислари учун шаклланиш давридан ривожланиш босқичига ўтиш даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Янги тизим орқали ҳарбий қисмлар, бирлашмалардаги ижтимоий-психологик шарт-шароитлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчиларининг психологик ҳолати, индивидуал-психологик хусусиятларини илмий жиҳатдан мунтазам ўрганиб боришга қаратилган психоло-



тайёрланиб, қўшинларга жўнатилди ва ҳозирги кунда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ҳали олдимизда соҳани янада такомиллаштириш борасида бир қатор вазифалар турибди. Хусусан, мутахассисларни билим ва кўникмаларини амалий психология марказларида ошириб бориш, олий ҳарбий таълим муассасасида ҳарбий психология ва педагогика мутахассислиги бўйича офицер кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, бир қатор ҳарбий қисмларда лавозимлар очиш, қўмондонлик таркиби учун замонавий йўналишлар ҳисобланган «бошқарув психологияси», «лидерлик», «тайм-менеджмент» бўйича алоҳида курсларни ташкил этиш шулар жумласидандир.

– Мазмунли ва фойдали суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

«ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, РУЛДА АЁЛЛАР!»



Бугун йўлларда аёлларнинг эркаклар қатори автомобиль бошқараётгани кўпчиликни ҳайратлангирмай қўйди. Асли бу қувонарли ҳол. Чунки мутахассисларнинг фикрича, автомобиль бошқараётган аёллар эркакларга қараганда, ҳушёрроқ ва масъулиятлироқ бўлар экан. Сухватдошимиз Мўмина Очилова ҳам автомобиль ҳайдовчиси. Зеро, унинг касби шуни тақозо қилади. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, у Ўзбекистон Республикаси муҳофафасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Олмалик автомобиль мактабида йўриқчи (инструктор) бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

– Нима учун айнан инструкторлик касбини танлагансиз?

– Бизнинг оилада 10 нафар фарзанд улғайган. Мен кенжа фарзандман. Балки, шунинг учундир дадам мени доим ўзлари билан олиб юрганлар. Дадам ҳайдовчи эди. Шу боис қалбимда автомашинани бошқаришга бўлган қизиқиш жуда эрта пайдо бўлган. Мактабни тамомлаб, касб-ҳунар коллежида шу йўналиш бўйича таҳсил олдим. Коллеждаги ўқишим давомида машинани бошқариш, унга хизмат кўрсатиш сир-асрорларини қўнт билан ўргандим. Коллежни тугатганимдан сўнг Тошкент автомобиль йўллари институтининг автотранспортларга ташиш ва ташишни ташкил қилиш назорати йўналишига ҳужжат топширдим ва омадим чопиб талаба бўлдим. Айни вақтда институтнинг 3-босқич талабасиман.

– Аёллар машина бошқаришни тез ўргани-

шидаги асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Ҳаракатчан ва қизиқиши юқори бўлган аёллар автомобиль бошқаришни тез ўрганадилар. Чунки бундай аёллар зеҳни бўлади. Айтганларингизни тез илғайди, ўргатаётган хатти-ҳаракатларингизни қўнт билан кузатади. Агар ўқувчида бу фазилат бўлмаса, ойлаб дарс ўтсангиз ҳам дарсларни қабул қилмаслиги, ўрганмаслиги мумкин.

– Охирги йилларда аёл ҳайдовчиларнинг сони ортиб борапти. Аммо бунинг айрим эркакларнинг қабул қилишлари оғир кечяпти. Бу ҳолатга сизнинг муносабатингиз.

– Асли аёлларнинг машина бошқариши бу қувонарли ҳол. Чунки ҳайдовчи аёл турмуш ўртоғи учун ёрдамчи, керак вақтида тиргак бўлади. Масалан, кўпчилик эркаклар эрталабдан кечгача иш билан банд ва фарзандларига вақт ажратиши қийин бўлади. Шундай вақтда аёлларнинг машина бошқариши билиши қўл келади. Яъни улар фарзандларини ўқишга, қўшимча дарсларга ва спорт машғулотларига олиб боришади. Керак вақтда рўзғор юмушларини ҳам қилишади. Мактабимизда шу сабаб ҳайдовчиликка ўқиётган аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Яна тадбиркор аёллар ҳам бор. Улар ҳам мажбурий юзасидан, яъни товар олиб келишда қийналмасликлари учун ҳам ҳайдовчиликка ўқишмоқда.

– Аёллар автомактабга келганда берадиган биринчи саволи нима?

– Мен ҳам машина ҳайдашни ўргана оламанми? Мана шу саволни кўп беришади. Бунинг ўзига бўлган ишончсизликдан деб биламан. Асли бу нотўғри. Инсон ишонч билан ҳаракат қилса, албатта, ҳар қандай ишнинг уйдасидан чиқади. Мен шогирдларимга ҳар доим шундай деб уқтираман. Аёл киши бўлганим боис, аёлларни яхши тушунаман. Шунинг учун ҳар бир аёл шогирдимга сабоқ беришда индивидуал ёндашаман. Ўқувчи амалий машғулотларни яхши ўзлаштираётганига малакали ҳайдовчи бўлиб етишади.

– Йўлларимиздаги қайси ҳолатлар сизни ранжитади?

– Йўл қоидасини бузишда ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам доим тенг айбдор бўлади. Афсуски, йўловчилар бундай деб ўйламайди. Уларнинг биргина мумкин бўлган жойдан йўлни кесиб ўтишлари ёки мумкин бўлмаган жойда такси тўх-

татишлари сабаб қанча йўл-транспорт ҳодисаларига сабабчи бўлиб қолишяпти. Бу ачинарли ҳолат. Агар йўловчиларда йўлда юриш маданияти шаклланишида, бундай хатога йўл қўйиб, ўзига ҳам, ҳайдовчиларга ҳам жабр қилмаган бўларди. Мени ранжитадиган яна бир ҳолат баъзи бир йўловчилар оғоҳлантирувчи белгилардан кўп ҳолларда фойдаланишмайди. Энг ёмони бу вазият турли хил ноҳушликларни ҳам юзага келтириши мумкин.

– Сизнингча, яхши ҳайдовчи...

– Йўл қоидаларини яхши ўқиб, уққан ҳайдовчини намунали ҳайдовчи деб биламан. Чунки улар йўлда ҳаракатланиш тартиб-қои-

даларига тўлиқ амал қилади, ҳеч қачон хато қилмасликка интилади.

– Сиз фаолият юритаётган автомактабнинг хусусий автомактаблардан афзалликлари нимада?

– Афзалликлари талайгина. Ташкилотимизда тажрибали, олий маълумотли ўқитувчилар дарс беради, замон талабидек автодром мавжуд, техникаларимиз янги, таълим олувчилар электрон база – «Е-платформа» орқали рўйхатга олинади. Бир сўз билан айтганда, бизда сифатли таълим кафолатланади.

Дилдора АБДУРАҲМОНОВА
суҳбатлашди.

Sayyor qabul

MUROJAATLAR O'Z YECHIMINI TOPMOQDA

Qarshi harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan xalq bilan to'g'ridan to'g'ri muloqot o'rnatish orqali Muborak garnizonida ommaviy sayyor qabul tashkil etildi.



Sayyor qabulda garnizonda joylashgan Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismlar, Milliy gvardiya, Favqulodda vaziyatlar va mudofaa ishlari boshqarmalarining Muborak tumani bo'limlari shaxsiy tarkibi, ularning oila a'zolari va harbiy pensionerlar ishtirok etdi.

Qabul davomida tashrif buyurganlarning turli mavzudagi, xususan, ishga joylashish, uy-joyga ega bo'lish va tadbirkorlikni yo'lga qo'yishda imtiyozli kreditlar olish, safarbarlik chaqiruvi rezervida xizmatni o'tash uchun to'lov-badallarini kechiktirib turish kabi masalalarga oid jami 23 ta murojaati tinglandi.

Shundan 10 ta murojaat hal etilib, huquqiy tushuntirishlar berildi, bitta murojaat joyida qanoatlantirildi va 12 ta murojaat belgilangan tartibda ko'rib chiqish uchun tegishli tashkilotlarga yo'naltirilib, ijrosi nazoratga olindi.

Adliya podpolkovnigi Sobir ASHPAROV,
Qarshi harbiy prokurorining o'rinbosari

Turmush chorrhasi

ТУҒИЛГАН КҮН
(хикоя)

**Саид ўртоғи
Набижонни жон қулоғи
билан эшитарди.
Унинг айтишича,
дадаси туғилган
кунига велосипед совға
қилибди. Ўзи хорижда
ишлаётгани учун
аясига тайинлабди:
«Набижон уй ишларида
сенга ёрдамчи бўлиб
қолганидан севиндим,
велосипед олиб бериб
қувонтирмоқчиман,
ўша кун келгунига
қадар ўзига билдирма»,
дебди. Тоғдан тушиб
борса, аяси чиройли
дастурхонлар
тузаб қўйганмиш,
қариндошлари келибди.
Ўша кун дадаси
билан телефонда
гаплашибдилар.
«Совға ёқдимми?» деб
сўраган эдилар, негадир
ийглагим келди. Ўзимни
аранг тутдим-да: «Ҳеч
нарса совға қилмасангиз
ҳам майли, ёнимизда
бўлсангиз, шунинг ўзи
етарли», дедим, жим
бўлиб қолдилар. Бизни
эшитиб ўтирган катта
энам кўнгли бузилди:
«Болаларини созинган-
да, қуриб кетсин, шу
ғурбат элнинг ош-нони
ҳам...» деб йиглади.**

– Жўра, раҳмат сенга, уйга кетганимда молларимга қараб турганинг учун, – деди Набижон ва сумкасида «Ёввойи йўрға» китобини чиқарди. – Тоғам совға қилади, ҳар доим китоб совға қилади. «Ўқи, даданга ўхшаб ғурбат элларда оилангдан узоқда қийналиб ишласангиз учун ҳам ўқилинг керак», деб тайинлайди доим. Тоғам олим, кўрмаган шаҳари қолмаган. Айтганча, аям сенга ҳам ширинликлар берганди...

Саид ширин хаёлларга берилди. Икки кундан кейин унинг ҳам туғилган куни. Уйларида ҳеч туғилган кун нишонланмаган. Менга ҳам велосипед совға қилсалар эди. Кўпдан шу ҳақда орзу

қилади. Ҳамма жўраларида бор, биргина унда йўқ. Мактаби ҳам яқин эмас, биттагина қари эшаги бор эди, ишга ярамай қолди, деб дадаси уни қаергадир гум қилди.

Шундай хаёллар билан икки кун ўтди. Уйга кетгиси келди. Таътил бошланганидан бери тоғда мол боқяпти. Қишлоқда тузукроқ яйлов ҳам қолмаган. Зерикди. Ўртоқлари билан ўйнагиси келди. Дадаси подачиларга пул бергиси келмаганидан уни тоққа жўнатди. Набижонга маза-да, шунчаки подачи амакисига ёрдам бериш учун келади. Подачининг ўғли йўқ, қизлари бор, ўртоғи туғилган опаларидек уларни авайлайди. Умуман, уларнинг оиласида бир бошқача муҳит. Ҳамма бир-бирига меҳрибон, бақир-чақир йўқ. Ҳатто подачи амакисининг ҳам бирор марта овозини кўтарганини эшитмади. Ўйинқароқлик қилса ҳам кечиради, жуда ҳаддан ошса, паст овозда моллар омонат экани, омонатнинг сўроғи оғирлигини тушунтиради. Шунақа пайтлар Саид дадасини кўз ўнгига келтиради. Ҳеч қачон эркаламаган, арзимаган нарсаларга тутқиқ кетадиган, ундан ҳеч кўнгли тўлмайдиган дадаси...

Подачи эрталабдан бери ўзи билан ўзи овора болага яқинлашиб, нима гаплигини сўради:

– Бугун туғилган куним.
– Шундайми, неча ёшга кирдинг?

– Ўн иккига!
– Ўйў, катта йигит бўлиб қолибсан. Умринг узун бўлсин. Истасанг, уйингга кетишинг мумкин, молларингга ўзим қараб тураман, аммо йўл ҳам анча узоқ, чарчайсан-да. Етиб олсанг, эрта кечи билан даданг бирор уловда келтириб қўярди.

Боланинг кўзлари севинчдан чарақлаб кетди.

– Молларимга қараб турасизми?

Подачи жилмайиб бош ирғади.
– Узоқ бўлса ҳам майли, чарчайман, қисқа йўллардан юраман, кечга қолмай етиб оламан.

– Йўл олис, эҳтиёт бўлганинг яхши.

Бола қанот қоқиб учгудек йўлга тушди. Ҳаммани ҳайрон қолдириб кириб боради. Сингиллари олдига югуриб келади. Туғилган кунимни олдингизда ўтказаман, дейди. Аям палов қиладилар... Шу пайт паловнинг хиди димоғига урилгандек бўлди, оч қолганини ҳис қилди. Эрталаб бир бурда нон билан сут ичган эди. Майли, чидайди, буёғи оз қолди, ҳадемай қишлоқлар бошланади. Биронта улов чиқиб қолиши ҳам мумкин. Аксига олиб ҳеч кимнинг йўли уларнинг қишлоғи томонга тушмади. Шомга яқин хориб-чарчаб уйларида кириб келди. Сингиллари уни кўриб

югурдилар,
б и р -
б и р
ачомла-
ди икки-
сини, улар
ҳам соғи-
нибди.

– Молларни кимга ташлаб келдинг? – Саидни кўрган заҳоти эр-хотин жонҳолатда бараварига сўради. Боланинг кўзлари катта-катта очилди. Энди оғиз жуфтлаган эди, дадаси жаврашга тушди:

– Фаросатинг борми, молларни тоғда қаровсиз қолдириб бўладими? Товуқмия!

– Эргаш подачи қараб тураман, деди. Туғилган кунинг бўлса, бо-рақол...

– Қандай туғилган кун? Ҳамма кунга ўхшаган бир кун-да, шунга шунча жойдан лақиллаб келишинг керакми? Ҳозир чиқиб Ҳайит киракшдан сўрай-чи, машинаси юриб турган бўлса, қайтиб тоққанинг ташлаб келади. Уям отасининг баҳосини қўйволади, тўрт чақирим ерга. Эй, турган-битганинг зараркунандалик, садқаи бола кет! Туғилган кунмиш...

– Тезгина ювиниб овқатингни еб ол, – деди аяси серрайиб қолган Саиднинг қўлига сочиқ тутиб. – Тайёр турмасанг, даданг машинани гаплашса, шошиб қоласан.

Саид ҳаммомга кирди. Кўзларидан дув этиб ёш қуйилди. Ўқириб юбормаслик учун устидан муздек сув қуйди, энтикди, қайноқ кўз ёшлари юзини куйдирди, бошидан яна сув қуйди, яна, яна... Ташқаридан аяси билан дадасининг ўзаро гаплашаётганларини эшитди.

– Нима бўлди, машина йўқми-кан?

– Айтдим-ку, отасининг баҳосини сўрайди, деб. Кеч бўлди, тоғ йўли хавфли, дейди. Энди эрталаб сахар пиёда чиқади, бугун ётиб дамани олсин!

– Ҳа, майли, ишқилиб Эргаш подачи молларга қарасин-да, подачиларга ҳам ишониб бўлмайдиган замон. Эрта сахар уйғотаман, овқатингизга қаранг, совиб қолди.

* * *

Аёл сахар ўрнидан турди. Ўғлини чақирди: «Саид!» Аразлаган, кўнглидан кечди аёлнинг. Дадасининг жаҳлини чиқармаса, бўлмас эканми, а? Ювиниб-тараниб чиқди-да, ўғлининг хонасига йўл олди. Тўшақлар тахмондан олинмабди. Ҳайрон бўлди, тунда жаҳл қилиб тоққа чиқиб кетдимикан? Айвондаги хонтахтага кеча кечқурун овқат қандай қўйилган бўлса, шу ҳолида турарди. «Хафа бў-

либди,
– аёлнинг
кўнгли хижил

тортди. – Икки ой деганда тоғдан тушганиди, кўнглига қарасам бўларди».

Қўйларнинг безовта баърашидан хаёли бўлинди. Емиш ейдиган вақти бўлди. Қўра томон юраркан, ўзини оқлагандек ўйлади: «Шу қўй-қўзилару мол-ҳолнинг ҳаммаси Саид билан сингиллари учун-ку, шу болаларни деб эр-хотин тиним нима билмаймиш. Ғўр бола буни қаердан билсин...» Қўйларга емишини берди. Ҳовли адоғидаги оғилнинг очилиб ётган эшигига кўзи тушди. Қийшайган эшик кўзига хунук кўринди. Кечаси шу эшик тарақлаб очилган экан-да. Шамолда очилиб кетдимикан? Эскирибди... Шу он тонг бағрини тилиб юборган фарёддан аёлнинг эшик тутмоқчи бўлган қўллари ҳавода муаллақ қолди, оёқларидан мадор кетди. У жонҳолатда овоз келган томонга интилди. Эрининг овози... бу форма кийган одамлар нега келдикан? Саид, Саидга бир гап бўлган...

– Сойдан ўтаётиб, қоронғида оёғи тойиб кетган бўлса керак, – деди улардан бири кутилмаган ғамдан ўзини йўқотиб қўйган эр-хотинга қараб. – Жасадни дам олувчилар кўриб қолибди, сой тепасида яшайдиган мактабдоши таниди ўғлингизни.

Аёлнинг қулоқларига ортиқ гап кирмади. «Саид... Саид... онангни мол ўлдирсин Саид... онанг ўлса бўлмасми-ди Саид...»

Саид... У кўп нарса истаганмиди?

Бир чимдим меҳр!
Уни оч-наҳор олис йўлга солган қандай куч эди?

Бир чимдим меҳр!
Бир чимдим меҳр шунчалар қаҳатмиди?

Бисёр эди!
Унда нега Саид?...»

Улашишни билмас эдилар, биттагина табассум, биттагина ўпич, бир оғиз ширин сўз болаларни бахтиёр қилишини билмасдилар...

Инобат НОДИРШОҲ

Diltortar satrlar

ЎЗБЕК БЎЛИШ ФИДОЛИК ДЕМАК...

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

ЎЗБЕК БЎЛИШ
ОСОН ЭМАСДИР

Инсон ҳар ким бўлмоғи мумкин,
Ғайрат қилса, қунт қилса басдир.
Бир рутба бор оламда лекин –
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Кўп юрт кўрдим, кўп кездим жаҳон,
Кўра-кўра келтирдим имон:
Араб бўлиш, рус бўлиш осон,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Япончилик демайди япон,
Немисчилик демайди олмон,
Ўзбекчилик бор бўлсин омон,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ўзбек бўлиш фидолик демак,
Роҳатидан жудолик демак,
Шаън деб, ор деб адолик демак,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Дини – поклик, инсоф, мурувват,
Тариқати – мардлик, футувват,
Дўсти – меҳнат, ёри – уқубат,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

У ҳаммани ўйлаши керак,
Кўнгил олиши, йўқлаши керак.
Ўзбек қачон ухлаши керак?
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Боласига макка, мош берган,
Дош қозонда юртга ош берган,
Борми бундоқ урфга дош берган,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Битмас ишни битирувчи халқ,
Йўқни топиб келтирувчи халқ,
Егувчимас, едиргувчи халқ
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Оғиз очмас каму кўстидан,
Ҳасадгўй кўп лекин дўстидан,
Ошини еб кулар устидан.
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Қонда бор феъл – ҳиммати баланд,
Файз-барака шу феълга монанд.
Минг йилларни кўрган донишманд
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ўзбек азал яралган омил,
Фанда устоз, хунарда комил
Фотиҳларга дарс берган оқил
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Неча бўлиб йўқликка маҳкум,
Тилдан, диндан бўлмаган маҳрум,
Синиб, сингиб кетмаган мардум –
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Даҳрийликка асло кўнмаган,
Гаҳ деганда қўлга кўнмаган,
Жанозасиз ўлик кўнмаган
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Миллат ҳисси борки, курашар,
Миллатман деб жам бўлиб яшар.
Ўз йўлини танлаган башар
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Янги аср, янги давронда,
Низоларга тўла жаҳонда,
Зўрлар тўқнаш келган маконда
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Бу идроку фаросат асри,
Кураш асри, жасорат асри,
Сабру бардош, матонат асри
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ватанида янги бир Ватан
Қураётир ўзбек қайтадан,
Осон эмас, такрор айтаман,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Даст кўтармоқ замона юкин,
Юрт асрамоқ обод ва тўкин
Енгил ишмас, айниқса букун
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Шеърим битди айни тонг саҳар,
Зухро майин тўкар эди зар.
Шу юлдуздек бағрида гавҳар
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Қалби тўла меҳру зиёга,
Эътиқоди ёлғиз Худога,
Лаббайка, деб келган дунёга
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Опа, эсингизда-ку,
(«О, ҳануз оғрийди дил»)
Очликдан қорни шишган
Қирқ бешинчи машъум йил.
Етти ёшда эдингиз

Сизга эмасди пинҳон:
Уруш – ўлим, шодлик – хат,
Тириклик-ку, аниқ – нон.
Опа, эсингизда-ку,
Келганда жавзо ойи,
Саргайиб думбул тортди
Болғалининг бугдойи.
Ювошигина қуш каби
Ҳаётнинг исин сезиб,
Дала кезар эдингиз,
Кафтингизда дон эзиб,
Сиз аниқ билардингиз,
Тирикликнинг исми – нон,
...Босиб кетди далани
От дупури ногаҳон.

Кафтингизга жонсарак
Яширдингиз бошоқни.
Э воҳ, ер шунча қаттиқ,
Осмон шунча узоқми?!
Қанотингиз бўлса ҳам.
Қайга учардингиз, хўш?
От келар, чавандознинг
Бир енги ҳилтирар – бўш...
Танидингиз бу – раис,
Ундан титрайди қишлоқ.
«Раис» деса жим хотар.

«Йиғлаётган» кўгирчоқ,
...Эслайсиз, магазинда,
Бўлган эди «ур-йиқит».
«Йўқ, яна қуясан», деб
Ҳайқирди бирқўл йиғит.
У йиғлади гўдакдай...
«Шаҳид қолган дўстларнинг
Қасосини албатта,
Оламан», деб бўзлади.
Боқилган кўйдаи семиз,
Магазинчи Шойимнинг
Ёқасига ёпишиди:
«Топдим, дея хоинни!»
Эртаси хотин-халаж
Йиғилди – умуммажлис.
Йиғит ўридан турди:
– Сайланлар, бўлай раис...

Сайлашса сайлашар-да,
Одам каму, раис мўл!
Майли, яраб қолади... –
Хотинлар кўтарди қўл.
Кейин раис ҳайқирди:
«Агар келгунча зафар,
Ким ўзини аяса,
Мана қамчи!.. Хотинлар!»
Ноннинг лаззатини-ку,
Тўлаб бўлмас қамчисиз...
Бошингизни қўл билан
Бекитиб чўкдингиз тил...
– Бу юрганнинг нимаси,
Оёқяланг, бошяланг.
(Дон тўла кафтингизни
Сикдингиз кўрқиб маҳкам)
– Қани, қўлингда нима?
(Кўрқув, даҳшат аралаш
Кафтигизни очдингиз –
Энди мумкин савалаш).

Кўзингиз ёшсиз эди,
Жиддий – тайёр хўрликка.
Ким ҳам раҳм қиларди
Сағир қолган шўрликка.
Ҳамма бутун таёқлар
Етим бошда синади...
Раис отидан тушиб
Бошингизни силади.
Ишонмасдан боқдингиз
Кўзларига умидвор.
Ҳайрат ичра қотдингиз...
У йиғларди шайқатор.
Йиғлар эди... Қизимни
Эзмасин деб чўнг қайғу
Тунда сассиз эзилган
Онангизга ўхшаб у.
Сиз ҳам зор йиғлаб бирдан
Осилдингиз бўйнига...
От ўйнатиб у кетди
Бугдойзорнинг қўйнидан.
Жавзо. Бир эрка шамол
Бугдойзорга урар тўш.
От елар. Чавандознинг
Бир енги ҳилтирар – бўш.
Опа, ўшандан буён
Ватан ҳақида сўхбат
Кўзгалса кириб келар
Кўзингизга бир сурат:
Жавзо. Бир эрка шамол
Бугдойзорга урар тўш.
От елар. Чавандознинг
Бир енги ҳилтирар – бўш...
Опа, Ватан – улуг дард!
Опа, Ватан бог бўлсин!
Шеърда суратин чизсам,
Тўрт мучаси соғ бўлсин!



Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

БЕШ МАҒРУР ЖАНГЧИНИНГ
МУНИС ОНАСИ

(Иккинчи жаҳон урушида беш фарзандидан
айрилган Зулфия момо Зокированынг порлоқ
хотирасига)

Бир аёл ув тортар туннинг бағрида,
Ойни ҳам титратар чеккан ноласи.
Шамдек ёниб-куймиси фарзанд доғида,
Беш мағрур жангчининг азиз онаси.

Уруш йилларининг дарду азобин,
Билар у даврнинг қадди долларини.
Кўтармиш замоннинг зилдаин юкин
Уруш йилларининг мард аёллари.

«Бошинг тошдан бўлсин,
жоним болам», деб,
«Ой бориб омон қайт, кўзи қорам», деб,
Бир эмас, беш ўғлин жангга кузатди,
«Ғалаба билан қайт, жигарпорам!», деб.

Аҳмаджон, Исҳоқжон, Муҳаммаджону
Ваҳобжонлар ёрин йиғлаиб кетмиш.
Ҳатто бир гўзалдан ўпич олмаган –
Юсуфжоннинг доғи қалбни қон этмиш.

Наҳот, беш ўғилдан бири қайтмаса,
«Она, қайтдим» деган сўзни айтмаса.
Илҳақ бўлиб кутган онаизорнинг –
Бағрига гўдакдек ўзин отмаса?!

Бошингни мағрур тут, эй онажоним,
Бугун беш ўғлонинг – беш мард қаҳрамон.
Фидо айласа-да гар жангда жонинг,
Тинчлик қалъасини сақлашди омон.

Сенинг ўғлонларинг шиддати боис,
Зафар таронаси элга бўлди ёр.
Ёвни қувиб токи Рейхстаггача –
Борганлар ичра мард ўғлонларинг бор.

Кўйгил, бунча йиғламагил эзилиб,
Куйма бунча фироқларнинг доғида,
Фарзандларинг гўё қайта тирилиб,
Кезиб юрар Ғалабанинг боғида.

Сенинг ўғлонларинг – мардликка тимсол,
Келинларинг – ишқу вафо рамзидир.
Сендек мард аёлнинг борлиги, алҳол,
Буюк ўзбек миллатининг бахтидир.

Кел, бу дам дардинга дармонлар бўлай,
Кел, бўлай бедор кўзингнинг жоласи,
Бош эгиб пойингга, таъзимлар қилай,
Беш мағрур жангчининг азиз онаси.

Oramizdagi odamlar

Инсон саломатлиги давлат муҳофазасида бўлган мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча қулайликларга эга, энг сўнгги русумдаги, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий госпиталида ҳам сарҳадларимиз посбонлари ва уларнинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатилиб, саломатликларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий госпиталь шифокорлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг ўз устида тинимсиз ишлаб, малака ошириши, замонавий тиббиёт ютуқларидан бохабар экани, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатларининг тиббий хизматлари билан мунтазам равишда тажриба алмашиши натижасида, мазкур муассасада касалликларни тез ва тўғри аниқлаш ҳамда даволашнинг янгича усул ва услубларини амалда қўллаш имкони яратилган.

Эришилаётган натижалар самараси ўлароқ, узоқ йиллар давомида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшган, давлат ва жамият ҳаётида фаоллик кўрсатиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб келаётган бир гуруҳ ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий госпитали тиббиёт ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар сафида 36 йилдан буён тиббиёт соҳасида фаолият юритиб келаётган фидойи ҳамшира, «Мўътабар аёл» кўкрак нишони соҳиби Равшаной Алибоева ҳам бор.

Дунёда инсон саломатлиги учун масъул бўлган, касб эгалари – тиббиёт ходимлари саналади. Беморларни нафақат дори-дармон, балки ширинсўз ва қайноқ меҳр билан дарддан фориг этишга, уларга малҳам бўлишга шошиладиган оқ халатли фаришталардан бири, Равшаной Алибоева ўз билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан кўп йиллардан буён юрт посбонлари саломатлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ОТАСИНИНГ ҚИЗИ

...1967 йил 23 январь. Ўша йили қиш анчайин совуқ келди. Бутун борлиқни оқликка бурқаб, қор гупиллаб ёғаётган бир пайтда Тошкент шахрининг Олмазор тумани Пахта маҳалласида Аббос ака ва Холида опа хонадонидан икки ўғилдан сўнг қиз фарзанд дунёга келди. Қизалоғини бағрига босиб қувончи ичига сиғмаган Аббос ака, еру кўкка ёруғлик, равшанлик улашган оппоқ фариштам, дея унга Равшаной деб исм қўйди. Акалари Авазхон, Азимжон ва синглиси Зулхумор билан бахтли болалик

МЎЪТАБАР АЁЛ

онларидан масрур Равшаной, бир зум бўлса-да, отасининг изидан қолмагани боис, онаси Холида опа уни «отасининг қизи», дея эркаларди. Аббос ака қассобчилик билан шуғулланар, ҳар гал қўй сўйганида кўркмай ёнига югуриб келадиган Равшанойга сўйилган жонивор, унинг озиқланиши ва анатомиясига оид маълумотларни гапириб берарди. Бу маълумотларни қизиқиш билан тинглаган қизалок ўша вақтдаёқ катта бўлса, албатта, тиббиёт ходими бўлишни ният қилганди.

Ана шундай эзгу ниятлар билан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 196-умумтаълим мактабининг 10-синфини тамомлаган қаҳрамонимиз 1984 йилда Тошкент тиббиёт институти қошидаги тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, икки йил давомида таҳсил олди.

«ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ»

Юзи, кўзи кулиб турувчи, сўзлаганида суҳбатдошининг кўнглига ажиб бир илиқлик ҳада этувчи Равшаной тиббиёт билим юртида ўқиши давомида амалиётни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини даволовчи госпиталда ўтади. Унинг тиришқоқлиги, интилувчанлиги ҳамда ширинсуханлиги госпиталь жамоасига маъқул келиб, у ушбу муассасага ишга таклиф этилади.

Шу тариқа 1986 йилда билим юртини тамомлаган ширинсўз қиз, мазкур госпиталнинг терапия бўлимида ўз меҳнат фаолиятини бошлайди. Унинг госпиталда ишлаш қарори отаси Аббос акага ҳам маъқул тушиб: «Бизнинг осуда ҳаётимиз, тинч ва ёруғ кунлар учун курашиб, саломатлигини йўқотган, кексайиб, хасталаниб қолган инсонларга ғамхўрлик қилсанг, уларнинг дардига малҳам бўлиб дуосини олсанг, кам бўлмайсан, болам. Дуода гап кўп, «олтин олма, дуо ол», деган ота-боболаримиз», дея оқ фотиҳа беради. Мазкур госпиталда йигирма йил давомида фаолият юритган таж-

МАРДЛИК ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

Ўн олти йилдан буён ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий госпиталининг терапия бўлимида ҳамширалик қилиб келаётган қаҳрамонимиз ўз ҳаётини ана шундай улуғ ва масъулиятли ишга бағишлаб, юрт ҳимоячиларининг саломатлигини асраш йўлида бор билиму тажрибаси, истеъдодию маҳоратини сафарбар этиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси бутун дунё қатори халқимиз учун ҳам жиддий синов бўлган бир даврда Равшаной Алибоева ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий госпитали тиббиёт ходимлари билан биргаликда чинакам мардлик ва матонат намунасини кўрсатди. Беморларнинг тузалиб, оёққа туриши учун кечаю кундуз меҳнат қилди.

Равшаной Алибоева ўз фаолияти давомида беш маротаба «Энг яхши ҳамшира» танловида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. Бу эса, ўз навбатида, унинг касбига бўлган юксак муҳаббати ва фидойилиги натижаси, десак, муболаға бўлмайди.

ИБРАТЛИ ОИЛА

1989 йилда қурилган Рустамжон ва Равшаной Алибоевлар оиласи, мана, ўттиз уч йилдирки, ёш оилаларга ҳар жиҳатдан ибрат

бўлиб келмоқда. Қаҳрамонимиз ўғли Равшанжон, қизлари Санобар ва Розияхонларнинг таянчи, маслаҳатгўйи, 4 нафар набиранинг меҳрибон ва суюкли бувижониси. Унинг жамиятда ҳам, оилада ҳам ўз ўрни бор. Турмуш ўртоғи билан биргаликда фарзандлари ва набираларининг камолини кўришни истайди.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Халқимиз «дунёда энг бахтли инсонлар эрталаб ишга, кечкурун эса уйга шошидиган инсонлар», дея эътироф этади. Зеро, чиндан-да оиласи ва ишини бирдек яхши кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Замондошимиз, тажрибали ҳамшира Равшаной Алибоева ҳам ана шундай толеи кулган, ҳар қандай эътирофу эъзозга муносиб чин маънодаги бахтиёр аёллардан бири. Биз юрт посбонларининг саломатлиги йўлида бор куч-ғайрати, билим ва малакасини аямай меҳнат қилаётган бу мўътабар аёлга «Қўлингиз асло дард кўрмасин!» дея тилак билдираимиз.



Майор Фарида БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

рибали ва масъулиятли Равшаной Алибоева 2006 йилда ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий госпиталига ишга таклиф этилади.

Dzyudo

DZYUDOMIZ RAVNAQIDA**YANGI BOSQICH**

Tarkibida Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham bo'lgan dzyudo bo'yicha O'zbekiston o'smirlar va yoshlar terma jamoasi Tailand poytaxti Bangkok shahrida o'tkazilgan Osiyo chempionatida ajoyib muvaffaqiyatga erishdi.

Yurtimizda sportni ommalashtirish va yanada rivojlantirish yo'lida hukumatimiz tomonidan ishlab chiqilgan va uzviy davom ettirilayotgan ilmiy-huquqiy baza hamda shu asosida amalga oshirilgan ulkan bunyodkorlik ishlari-yu, tashkil etilgan mamlakat, qit'a va jahon miqyosidagi har xil musobaqalar boshqa sport turlari qatori dzyudomizning ham yangi bosqichga ko'tarilishiga, xalqaro maydonda o'z o'rnini va mavqega ega bo'lishiga xizmat qildi. Bunga biz 2021-yilgi mavsum mobaynida amin bo'ldik. Xususan, poytaxtimiz mezbonlik qilgan, nafaqat O'zbekistonda, balki Markaziy Osiyo mintaqasida ilk marotaba tashkil etilgan dzyudo bo'yicha "Katta Dubulg'a" xalqaro turnirida vakillarimizning 6 nafari shohsupaga ko'tarildi. Dzyudochilarimiz tomonidan "Katta Dubulg'a" xalqaro turnirlari tarixida bunday yuqori samaradorlik to'qqiz yil oldin Moskvada qayd etilgandi. Fransiyaning Parij shahrida o'z tarixida yubiley, ya'ni 40-marotaba tashkil etilgan harbiylar o'rtasidagi dunyo birinchiligining yakkalik bahslarini O'zbekiston terma jamoasi umumjamoasi hisobida birinchi o'rin bilan yakunladi. Zero, yurtimiz dzyudochilari shu paytgacha qadar harbiylar o'rtasidagi dunyo birinchiligida umumjamoasi hisobida 1-o'rinni egallamagandi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Diyora Keldiyorova Turkiyaning Antalya shahrida bo'lib o'tgan turnirda oltin medalni qo'lga kiritib, "Katta Dubulg'a" turnirlarida g'oliblikka erishgan birinchi ayol dzyudochi sifatida yurtimiz sporti tarixidan joy oldi. "Paris Grand Slam – 2020" turnirida esa hamyurtimiz Hikmatulloh To'rayev rekord qayd etdi, ya'ni bellashuvning o'ninchi soniyasidayoq (!) sof "ippon" bahosi evaziga raqibini mag'lubiyatga uchratdi. Qirg'iziston poytaxtida o'tkazilgan Osiyo–Okeaniya chempionati ham dzyudochilarimiz uchun ajoyib muvaffaqiyat bilan yakunlandi. Yakkalik bahslarida polvonlarimiz 3 ta oltin, 2 ta kumush, 5 ta bronza, jami 10 ta medalni qo'lga kiritishdi. Bu ko'rsatkich dzyudo bo'yicha O'zbekiston milliy terma jamoasining barcha Osiyo–Okeaniya chempionatlaridagi eng yaxshi natijasidir. Vengriya poytaxti Budapesht shahrida o'tkazilgan jahon chempionatining aralash (*erkak va ayollardan iborat*) jamoaviy yo'nalish bahslari yakunida jamoamiz bronza

medalga egalik qildi. Shu paytgacha dzyudochilarimiz jahon chempionatining aralash jamoaviy yo'nalishida sovrindor bo'lmagandi. Dunyo birinchiligining so'nggi kuni yurtimiz dzyudosisiga oid yana bir voqelik yuz berdi – Xalqaro dzyudo federatsiyasi prezidenti Marius Vizer musobaqa mezbonligini anglatuvchi IJF bayrog'ini O'zbekistonga taqdim qildi va yurtimiz 2022-yili ilk bor dzyudo bo'yicha jahon chempionatiga mezbonlik qiladigan bo'ldi.

Bunday tarixiy muvaffaqiyat va voqeliklarga, albatta, o'z-o'zidan erishilayotgani yo'q. So'nggi davrda yurtimizda sportni ommalashtirish va rivojlantirish, olimpiya harakatini keng yo'lga qo'yish borasida juda ulkan bunyodkorlik ishlari amalga oshirilib, poytaxtimiz va viloyatlarda zamonaviy andazalarda sport majmualari, yirik stadion, o'yingoh va o'quv mashg'ulotlari maydonlari barpo etildiki, bu ishlar jahon ekspertlari-yu mutaxassislari tomonidan o'rganilib, e'tirof etilganidan keyingina ularning tavsiyasi bilan jahon miqyosidagi nufuzli musobaqalar bizning mamlakatimizga ishonib topshirilmog'chi.

Dzyudochilarimizning 2021-yilgi mavsumdagi yirik g'alabasi kattalar o'rtasidagi Osiyo–Okeaniya chempionatidan boshlangan, mavsum o'smir va yoshlarimizning Osiyo–Okeaniya chempionatidagi tarixiy muvaffaqiyati bilan yakunlangandi. O'smirlarimiz 9 ta oltin, 5 ta kumush, 5 ta bronza, jami 19 ta medal bilan umumjamoasi hisobida birinchi o'rinni egallagan bo'lsa, yurtimiz dzyudosisining yaqin kelajagini belgilovchi iqtidorli yoshlarimiz ham murosasiz bellashuvlar yakunida 7 ta oltin, 2 ta kumush, 6 ta bronza, jami 15 ta medal bilan umumjamoasi hisobida Osiyo–Okeaniya miqyosida birinchi bo'lishgandi. Ta'kidlash joiz, shu paytgacha mamlakatimiz yosh dzyudochilari o'smir va yoshlar o'rtasidagi qit'a chempionatlarida bu qadar ko'p, ya'ni 34 ta medalga sazovor bo'lmagan va umumjamoasi hisobida 1-o'rinni egallamagandi. Eng muhimi, Osiyo–Okeaniya chempionatida yurtimiz o'smir va yosh sportchilari mamlakatimiz dzyudosisi tarixida yangi sahifa ochishdi – O'zbekiston dzyudosisi rivoji istiqbolda bardavomligini namoyish etishdi. Bunday ajoyib muvaffaqiyatdan yaqinda Tailand poytaxti Bangkok shahrida o'tkazilgan dzyudo bo'yicha o'smirlar va yoshlar o'rtasidagi Osiyo chempionati ham xoli bo'lmadi.

Tohir Fayziyev murabbiyligidagi o'smirlar terma jamoamiz Bangkok shahrida kechgan Osiyo chempionatida 6 ta oltin, 6 ta kumush, 3 ta bronza, jami 15 medalni qo'lga kiritdi va O'zbekiston o'smirlar terma jamoasi umumjamoasi hisobida birinchi o'rinni egalladi. Qit'a birinchiligida mamlakatimiz dzyudosisi istiqbolini belgilovchi iste'dodli o'smirlarimizdan Laziza



Haydarova, Umidaxon Burxonjonova, Xurshida Razzoqberdiyeva, Anvarjon Ibrohimov, Abbas Shermahmatov va Shohjahon Otaboyev g'oliblikka erishib, oltin medal bilan taqdirlandi. Barchinoy Qodirova, Sevinch Murodova, So'g'diyona Rafkatova, Sardor Himmatov, Samariddin Muxibiddinov, Elnur Xolmo'minov kumush, Marjona Nurulloeva, Saddam Husanov va Sevinch To'raqulova bronza medalga egalik qilib, o'smirligidanoq sport muxlislarimiz e'tiborini qozonishdi.

Tailand poytaxtida o'tkazilgan Osiyo chempionatida Kamol Murodov va Iskandar Rasulov murabbiyligidagi yoshlar terma jamoamiz ham ajoyib muvaffaqiyatga erishdi. O'zbekistonlik dzyudochilar 5 ta oltin, bitta kumush, 8 ta bronza, jami 14 ta medalni qo'lga kiritib, umumjamoasi hisobida ikkinchi o'rinni egalladi. Janubiy Koreya terma jamoasi 6 ta oltin, bitta kumush, 6 ta bronza medal bilan bu borada birinchi bo'ldi. Kuchli uchlikka 2 ta oltin, 7 ta kumush va 6 ta bronza medal bilan Qozog'iston terma jamoasi yakun yasadi.

Yoshlar terma jamoamizning ushbu muvaffaqiyatiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari ham munosib ulush qo'shishdi. Xususan, o'tgan yili Livan poytaxti Bayrut shahrida o'tkazilgan Osiyo–Okeaniya chempionatida kumush medalni qo'lga kiritgan Azizbek Ortiqov (-66 kg) bu safar g'oliblikka erishdi. Eng og'ir vazn (+100 kg) toifasida bellashgan MVSM vakili Islombek Ravshanqulov esa barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratib, Osiyo–Okeaniya chempionatidagi muvaffaqiyatini takrorladi. Qizig'i finalda unga MVSMning yana bir iqtidor sohibi O'tkirbek To'raboyev raqiblik qildi. To'raboyev o'tgan yili Parijda o'tkazilgan harbiylar o'rtasidagi jahon chempionatida oltin medalga egalik qilgandi, bu safar kumush medal bilan kifoyalandi.

MVSM vakili Shukurjon Aminova (-57kg) ham Osiyo–Okeaniya chempionatidagi muvaffaqiyatini takrorlab, Tailandda zafar qozondi, shohsupaning eng yuqori pog'onasiga ko'tarildi va Osiyo chempionatining oltin medalini bilan taqdirlandi. Tailandda o'tkazilgan qit'a birinchiligida MVSM vakili Irisxon Qurbonboyeva (-78 kg) ham sovrindor bo'ldi. O'tgan yili Osiyo–Okeaniya chempionatida g'oliblikka erishgan Irisxon bu safar bronza medalini bilan kifoyalandi.

OSIYO CHEMPIONATIDA SHOHSUPAGA KO'TARILGAN YOSHLARIMIZ:

Oltin medal:	
–48 kg:	Halimajon Qurbonova
–66 kg:	Azizbek Ortiqov (MVSM)
–57 kg:	Shukurjon Aminova (MVSM)
–90 kg:	Jahongir Mamatrahimov
+100 kg:	Islombek Ravshanqulov (MVSM)
Kumush medal:	
+100 kg:	O'tkirbek To'raboyev (MVSM)
Bronza medal:	
–52 kg:	Umida Jumaniyozova
–63 kg:	Farangiz Rejepova
–70 kg:	Shahlo Egamberganova
–78 kg:	Irisxon Qurbonboyeva (MVSM)
+78 kg:	Mohinur Parmonova
–73 kg:	Hojiakbar Toshev
–81 kg:	Nurbek Murtazoyev
–100 kg:	Muhammadqodir Mansurov



Osiyo dzyudochilari jahon miqyosida ham yetakchiligini inobatga olgan holda shuni alohida ta'kidlash joizki, o'smir va yoshlarimiz qatorasiga ikki yil qit'a musobaqalarida yuqori natijalar ko'rsatib, o'zbek dzyudosisi istiqboli barkamolligini dunyoga namoyish etishdi. O'z navbatida, o'zbek dzyudosisi ravnaqi yangi bosqichga ko'tarilganligi va uning bardavomligi yo'lida yangi avlod kamol topayotganligini yana bir karra isbotlashdi. Yurtimiz madhiyasini yangratib, Vatan bayrog'i baland ko'tarilishini ta'minlagan o'smir va yoshlarimizning xalqaro maydondagi muvaffaqiyatlari bardavomligini tilaymiz.

Salomatlik

Хар бир юртининг иқлими, табиати, анъаналари ва аҳолининг ижтимоий аҳволига боғлиқ равишда ўзига хос касалликлари ҳам мавжуд бўлади. Осиёдаги йирик давлатлардан ҳисовланган Ҳиндистон ва Покистонда аҳоли орасида вабо касаллигининг учрав туриши доимий ҳол ҳисовланади. Бу мамлакатларда ҳар йили минглаб одамлар вабо касаллигига мувтало бўладилар. Уларнинг барчасини шифохонага ётқизиш даволашга имконият ҳам йўқ. Шу боис аҳолининг куйи тавақалари орасида касаллик кенг тарқалиб кетади.



ВАБО – ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

нинг кескин сувсизланиши ва ҳаётини муҳим органлар фаолиятининг бузилиши билан ифодаланган оғир ҳолатлар билан кечиши мумкин. Шифокорлар вабони ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига қўшадилар. Бунга сабаб касаллик аҳоли орасида қисқа муддат ичида кенг тарқалиши, шиддатли ўтиши ва айрим ҳолларда оғир асоратларни келтириб чиқариш хусусиятига эга.

– ВАБО КАСАЛЛИГИ ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚАДИ?

– Касаллик юқумли бўлганлиги сабабли у бактериялар гуруҳига кирувчи микроорганизмларнинг инсон танасига кириши натижасида пайдо бўлади. Касаллик чақирувчи бактериянинг тузилиши вергулсимон бўлганлиги учун вибрион деб аталади. Вибрионнинг хивчини бўлиб, у вибрионнинг ҳаракат воситаси ҳисовланади. Одамларда вабони кўзгатадиган вибрионлар икки хил бўлади:

5 кунгача яшай олади. Сувда вибрионларнинг узок муддат топилиши ундаги гидробионтлар – балиқ, қурбақа ва ҳоказо мавжудотлар организмда яшай олиш қобилияти билан боғлиқ.

– КАСАЛЛИК ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАРИ БИЛАН НАМОЁН БЎЛАДИ?

– Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан беш кунгача чўзилиши мумкин. Ўзини соғлом ҳис қилиб турган одамда тўсатдан ич бузилиши рўй беради. Кейин ҳар бир-икки соатда ич суюқ ҳолда кетиб туради. Орадан 3-4 соат ўтгач, ич сувдек ва кўп кета бошлайди. Ҳар сафар ичи сурилганида бемор ҳолсизлана боради. Шунга мутаносиб равишда бемор организми сув ва тузларни йўқотади. Касалликнинг оғирлиги организмнинг сув йўқотиши билан боғлиқ бўлиб, енгил, ўрта оғирликда ва оғир кечиши мумкин. Касаллик катталарга нисбатан болаларда оғирроқ ўтади. Беморнинг тана ҳарорати пасая бошлайди. Кўнгил айнимасдан,

маҳсулотларининг зарарланиши касаллик тарқалишига сабаб бўлмоқда.

– КАСАЛЛИК ПАЙДО БЎЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

– Вабо касаллигининг бошқа давлатлардан кириб келишини олдини олиш мақсадида республиканинг бошқа давлатлар билан чегара постларида санитария назорат пунктлари мавжуд бўлиб, соғлиғи бўйича муаммолари бўлганларни ўз вақтида аниқлаш ва ажратиш олиш ҳамда тезда тегишли текширувларни ўтказиш вазифасини бажаради. Вабо тарқалган давлатларга бориб қайтиб келган фуқароларимизга нисбатан ҳам шундай иш тутилади. Шу тадбирлар орқали вабо касаллигининг четдан келиб тарқалишининг олди олинади. Вабо билан касалланган бемор аниқланган вазиятда беморни даволаш учун махсус даволаш жойлари белгиланган ва зарурий дори воситалари билан таъминланган.

классик биотипга мансуб классик вабо вибрионлари ва Эль-Тор биотипига мансуб вабо вибрионлари.

– КАСАЛЛИКНИНГ МАНБАИ НИМА ВА ВИБРИОН ИНСОН ТАНАСИГА ҚАНДАЙ ТУШАДИ?

– Вабо касаллигининг манбаи фақатгина бемор инсон бўлади. Вибрион бемор организмдан ташқарига қусуқ моддаси ва нажаси билан чиқади. Соғлом киши организмга эса фақат битта йўл – оғиз орқали тушади. Вибрионнинг ташқи муҳитда тарқалиши сув, озиқ-овқатлар, сабзавотлар, умумий фойдаланиладиган идиш-товоқлар воситасида амалга ошади. Зарарланган сув ёки озиқ-овқат маҳсулотларини соғлом одам истеъмол қилганда вибрионлар юқиши мумкин. Бундан ташқари, инфекция бевосита мулоқот орқали ҳам юқиши исботланган, яъни бемор одам ишлатган буюмлар билан мулоқотда бўлган киши организмга ҳам асосан қўли орқали тушади.

– ВИБРИОН ТАШҚИ ОМИЛЛАРИГА ҚАНЧАЛИК ЧИДАМЛИ?

– Вабо вибрионларининг ташқи муҳитдаги турғунлиги, уларнинг қандай шароитга тушиб қолганига боғлиқ. Ишқорий муҳит вибрионлар ўсиш учун қулайдир. Кислотали муҳитда ҳамда дезинфекцияловчи моддалар, жумладан, хлор тўтувчи воситалар таъсирида вибрион тезда нобуд бўлади. Паст даражадаги ҳарорат, ҳатто музлатиш ҳам вабо вибрионларига унчалик таъсир кўрсатмайди. 37-40°C ли ҳарорат вибрионлар кўпайиши учун қулай ҳисовланади. Вибрионлар юқори ҳароратга чидамли эмас. Ҳарорат 60°C бўлган шароитда улар 30 дақиқадан сўнг, 80°C да 5 дақиқа ўтгач, 100°C, яъни қайнатилганда, ўша захоти нобуд бўлади.

Турли сабзавот ва ҳўл меваларда вабо вибрионлари табиий шароитда деярли учрамайди. Турли маҳсулотларга вабо вибриони сунъий равишда юқтирилганда, маълум муддат сақланиб қолиши аниқланган. Жумладан, гўшт ва унинг маҳсулотлари хона ҳароратида сақланганда вибрионлар 2-5 кун, совиткичда сақланганда 8 кунгача тирик қолган. Помидор ва тарвуз юзасига сунъий чаплаб қўйилган вибрионлар ёз шароитида, кўёш нури таъсир этиб турганида 8 соат ичида йўқ бўлиб кетиши исботланган. Сут ва унинг маҳсулотлари вибрионлар яшаши учун анча қулай ҳисовланади. Хом сутда вибрион бир неча кун, қайнатиб, совитилганида оилаб сақланиши мумкин, сариёғда 20 кундан ортки яшайди. Қайнатилмаган сувда вабо вибриони яхши сақланади. Канализация оқова сувлари билан ифлосланган сув ҳавзаларида вибрион оилаб сақланиши мумкин. Қудуқ сувида вибрион икки ҳафтагача, денгиз сувида 10 кундан ортки, минерал сувда

тўсатдан қайт қилади, тили қуриб қолади. Пешоб келиши камаюди. Болдир мускуллари тириша бошлайди. Шу даврда зудлик билан тиббий ёрдам берилмаса, дард яна ҳам авжига чиқади.

– ВАБОГА ГУМОН ҚИЛИНГАН БЕМОРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МУМКИН?

– Вабо касаллиги билан касалланган бемор атрофдаги соғлом одамлар учун ўта хавфли ҳисовланганлиги учун махсус шифохоналарда даволанади. Кўпинча вабо касаллигини оддий ич кетишига қийслаб, беморни уй шароитида даволашга киришилади. Бунинг натижасида беморнинг аҳволи қайтариб бўлмас даражада оғирлашувига ва атрофдагиларга касалликнинг тарқалишига сабаб бўлади. Хасталикнинг ҳақиқий табиатини фақат шифокор аниқ билиши мумкин. Шунинг эътиборига олган ҳолда, бироз бўлса ҳам ич бузилиши аломатлари рўй берганида дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Шифокор келгунига қадар беморга тез-тез чой, қайнатилган ёки минерал сув бериб туриш мумкин.

– ВАБО КАСАЛЛИГИНИНГ ДОИМИЙ МАНБАСИ БЎЛГАН ХУДУДЛАР МАВЖУДМИ?

– Касаллик доимий қайд этилиб турадиган, яъни эндемик худудлар мавжуд бўлиб, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Яман, Нигерия, Уганда, Мексика, Бразилия шундай худудларга қиради. Ўзбекистон Республикаси эндемик худуд ҳисовланмайди. Республикада худудидида очик сув ҳавзаларининг суви вабо вибриони кўзгатувчиси мавжудлиги мунтазам равишда текшириб турилади. Текширув натижаларига кўра, Ўзбекистон худудидида кўпинча вабо вибрионига ўхшаш бўлган «НАГ вибриони» кўп аниқланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, «НАГ вибриони» вабо вибрионидан махсус суюқликда чўкмага тушмаслиги билан фарқланади. Ушбу вибрион вабо касаллигини чақирмайди, лекин ўткир ичак касаллигини келтириб чиқаради.

– ҚЎШНИ АФҒОНИСТОНДАГИ ВАБО БЎЙИЧА ВАЗИЯТГА ҚАНДАЙ БАҲО БЕРАСИЗ?

– Вабо бўйича қўшни Афғонистон Республикасида ҳозирги кунда беморлар сони 6 000 дан ошган бўлиб, 12 киши вафот этганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумотлар мавжуд. Касаллик асосан Афғонистоннинг жанубий худудларида тарқалган бўлиб, бугунги кунга келиб, шимолий Ўзбекистон билан чегарадош Балх провинцияси худудларида ҳам қайд этилмоқда. Касалликнинг тарқалишини юқорида айтганимиздек тоза ичимлик суви таъминотидаги муаммолар келтириб чиқарган. Ичимлик суви сифатининг пастлиги, етарли даражада зарарсизлантирилмаслиги, озиқ-овқат

Республика санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан ҳар йили очик сув ҳавзаларидаги сув ҳарорати 16°C дан орта бошлаган даврда, яъни баҳордан кузгача, ҳар ҳафтада бир маротаба вибрионлар мавжудлигига текшириб турилади. Агарда юқорида айтиб ўтганимиздек «НАГ вибрионлари» аниқланган ҳолатларда ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Бундан ташқари, ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар доимий назоратга олинган ва мунтазам равишда лаборатория таҳлиллари учун намуналар олиниб турилади. Юқумли касалликлар шифохоналарида ўткир ич кетиши аломатлари билан келган беморлар албатта вабо кўзгатувчиси мавжудлигига текширувдан ўтказилади.

– ВАБО КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА НИМАЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛИСАИЗ?

– Вабо касаллиги Ўзбекистонда қайд этилмаган ва бу касаллик республикамиз худуди учун эндемик бўлмаганлиги сабабли профилактик тадбирларни авваламбор касаллик кўзгатувчиси мавжуд бўлиши мумкин бўлган очик сув ҳавзаларига қаратиш лозим. Яъни ҳарбий қисм ва муассасалар худудидан очик ўтувчи очик сув ҳавзалари сувини ёзги мавсумда ҳар ҳафтада лаборатория текширувидан ўтказиш лозим.

Қуйидаги умумий профилактик чора-тадбирларга амал қилиш ўткир юқумли ичак касалликларидан (шу жумладан, вабодан ҳам) ҳимоя қилиш учун тавсия этилади:

- авваламбор, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим;
- ҳар кун ичак қурун уйқудан олдин, эрталаб уйқудан сўнг юз-қўлни совунлаб ювиш ва тишларни тозалаш;
- ҳожатдан сўнг ва овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш;
- мева ва сабзавотларни тозалаб ювиб, қайнатилган сувда чайиб, истеъмол қилиш;
- махсус идишларда чиқарилган ва қайнатилган суви ичиш;
- чўмилганда оғиз орқали сув ютмаслик, фақат шахсий мочалка ва сочқидан фойдаланиш;
- овқат қолдиқларини очик, ишлатилган идиш-товоқларни ювиқсиз қолдирмаслик, идиш товоқларни тозалаб ювиш;
- майший чиқиндиларни қопқоғи зич ёпиладиган челакака йиғиш, уни камида кунига бир марта бўшатиб, ювиб қуритиш лозим.

Тиббий хизмат подполковниги Т. ЭШҚОБИЛОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи



Военная промышленность



GENERAL DYNAMICS

КОРПОРАЦИЯ

«ДЖЕНЕРАЛ ДАЙНЭМИКС»



Известная американская корпорация «Дженерал дайнэмикс», образованная в 1952 году в результате реорганизации крупной кораблестроительной компании «Электрик боут», на сегодняшний день является одним из мировых лидеров среди производителей современных вооружений и военной техники (ВВТ). Основная деятельность данной корпорации заключается в разработке, производстве, ремонте, модернизации и обслуживании широкого спектра продукции военного назначения, в том числе бронетанковой и другой техники сухопутных войск, боевых кораблей и вспомогательных судов, радиоэлектронного оборудования различного назначения – автоматизированных систем боевого управления, вычислительной техники, средств связи, разведки и ведения радиоэлектронной войны. Значительное место в деятельности корпорации занимает разработка информационных систем и оказание разнообразных услуг в области информационных технологий. Кроме того, дочерняя фирма корпорации «Гольфстрим аэроспейс» является одним из крупнейших в мире производителей самолетов деловой авиации (так называемых «бизнес-джетов»). Кроме этого, корпорация считается крупнейшим в мире производителем бронетанковой техники. Этому способствовало приобретение оборонного подразделения компании «Крайслер» – одного из главных американских производителей бронетанковой техники.

Современная структура корпорации оформилась в начале 2000-х годов, когда в результате многочисленных слияний и поглощений были значительно увеличены ее производственные мощности, созданы высокотехнологичные отделения по производству радиоэлектронной аппаратуры и разработке современных информационных технологий, а также существенно расширено присутствие «Дженерал дайнэмикс» в различных регионах мира, и в первую очередь в европейских странах. Компания имеет свои филиалы и предприятия в Испании, Германии, Австрии, Швейцарии, Чехии, Канаде, Великобритании, Румынии и Австралии.

В результате проведенных в 2018 году реорганизационных мероприятий корпорация к настоящему времени состоит из пяти основных подразделений, сформированных по направлениям их основной деятельности: «Аэроспейс», «Комбат системз», «Информейшн технолоджи», «Мишн системз» и «Марин системз».

Штаб-квартира корпорации находится в непосредственной близос-

ти от Вашингтона – в г. Фолс-Черч (штат Вирджиния). Численность работающих составляет около 106 тысяч человек, почти половина из них (48 тыс.) заняты в наиболее высокотехнологических подразделениях, связанных с разработкой и производством радиоэлектроники, оказанием услуг в области информационных технологий и обеспечения кибербезопасности. Основная производственная, научно-исследовательская и опытно-конструкторская деятельность корпорации сосредоточена на 120 крупных объектах как на территории США, так и за ее пределами.

Подразделение «Аэроспейс» – мировой лидер в разработке и производстве самолетов деловой авиации и оказания всего комплекса услуг, связанных с их эксплуатацией. Оно состоит из двух отделений – дочерних компаний «Гольфстрим аэроспейс» и «Джет авиэйшн». От реализации продукции этого подразделения за рубежом корпорация получает более 40 проц. своей экс-

портной выручки. Ежегодно компания «Гольфстрим аэроспейс» выпускает 120-150 самолетов типа G500, G550, G600, C-37B, EC-130 «Компас Колд» и т.д. Самолеты «Гольфстрим» активно применяются для перевозки высших должностных лиц.

Основная деятельность подразделения «Комбат системз» заключается в разработке, производстве, ремонте, модернизации и обслуживании танков, боевых бронированных машин (ББМ) и другой техники, а также в выпуске систем оружия и боеприпасов. В состав данного подразделения входят отделения «Лэнд системз», «Юропиан лэнд системз» и «Орднанс энд тактикал системз». В частности, отделение «Лэнд системз» является основным производителем бронетанковой техники на территории США. На предприятиях «Комбат системз» осуществляется выпуск и модернизация танков (M1 «Абрамс», M1A2SEPV3 и т.д.), боевых бронированных машин типа «Пиранья», «Страйкер», «Аякс», «Буффало», «Кугар» и т.д., легких тактических автомобилей «Флайер», понтонных мостовых систем, артиллерийских орудий и боеприпасов, авиационных и корабельных артиллерийских систем, дистанционно управляемых боевых модулей, автоматических станковых гранатометов и пулеметов и т.п.

Подразделение «Мишн системз» занимается разработкой и производством радиоэлектронной аппаратуры

различного назначения, в том числе систем управления и связи, телекоммуникаций, радиоэлектронной борьбы и разведки, авиационных и корабельных систем различного назначения, бортовой аппаратуры космических аппаратов. Важным направлением деятельности «Мишн системз» является разработка технологий и систем обеспечения кибербезопасности, а также шифровального оборудования для вооруженных сил, агентства национальной безопасности и других правительственных ведомств.

Одним из крупнейших структурных элементов «Дженерал дайнэмикс» является подразделение «Марин системз», отвечающее за проектирование, производство, ремонт, модернизацию и обслуживание основных классов боевых кораблей, в том числе атомных подводных лодок, и вспомогательных судов. В состав подразделения входят три дочерние компании: «Бат айрон уоркс», «Электрик боут» и «Нэшнл стил энд шипбилдинг». В частности, на предприятиях «Бат айрон уоркс» ведется строительство эсминцев УРО типа «О.Бёрк», «Карл Левин», «Зумвольт» и т.д. Компания «Электрик боут» специализируется на проектировании и строительстве атомных подводных лодок. В настоящее время на верфи компании строятся многоцелевые атомные подлодки типа «Виргиния» и «Колумбия».

Sog'lom turmush tarzi

Қон – ҳаётбахш суюқлик, у одамнинг юрак-қон томир тизими бўйлаб оқиб, бутун танани, аъзо ва тўқималарни кислород ҳамда озик моддалар билан таъминлайди. Инсон организмидаги барча жараёнлар қон ёрдамида амалга ошади. Қон инфекцияларга қарши курашади, моддалар алмашинувидан ортган чиқиндиларни ташқарига ҳайдашга ҳисса қўшади. Қон плазмаси эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлардан таркиб топган. Қоннинг ранги эритроцитлар ҳисобига қизил бўлади. Лейкоцитлар иммунитет учун жавоб берса, тромбоцитлар қон ивишини назорат қилади. Айнан тромбоцитлар қон қуюқлигига таъсир кўрсатади. Қон айланиш тизими худди дарёга ўхшайди. Дарё ва унинг ирмоқларида сув тўлиб оқса, уларни тўсиб бўлмайди. Лекин дарё суви камайса ёки балчиқ аралашса, ирмоқлардаги ҳаракат ҳам секинлашади. Биз нима учун бу ўхшатишни келтиряпмиз? Қон қуюқлашганда ҳам шундай ҳолат содир бўлади. Эътибор бераётган бўлсангиз охириги икки йилда, айниқса, коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда қон қуюқлашиши ҳолатлари кузатилаётганда. Жуда кўпчилик инсонлар қонни суюлтирадиган турли хил препаратлар қабул қилишни қанда қилмасликка ўрганди. Лекин қон қуюқлашганда, уни суюлтиришга эмас, қонни нормал функционал ҳолатига қайтариш керак. Чунки қон суюқлашиб кетса, унинг ивувчанлиги пасаяди, натижада жароҳат олганда, кўп қон йўқотилиши мумкин. Хўш, аслида қон нима учун қуюқлашади, қуюқ қон ростдан ҳам асоратли касалликларга сабаб бўладими? Қуйидаги маълумотларимиз орқали биз шу саволларга батафсил жавоб берамиз.



НИМА УЧУН ҚУЮҚЛАШАДИ?

Кексалик, организмда сув етишмовчилиги, овқат ҳазм қилиш тизимидаги сурункали хасталиклар, дисбактериоз, тўлақонли овқатланмаслик, сифатсиз овқатлар, фермент етишмаслиги, турли замбуруғ, вирус ва бактериялар, кучли зўриқиш, стресс, алкоголь ичимликлар, тамаки, камҳаракатлик, ифлосланган ҳаво ва ўта иссиқ иқлим қон қуюлишига олиб келувчи асосий сабаблардир.

ҚАНДАЙ БИЛИШ МУМКИН?

Қон қуюқлашиши одам организмидаги ҳар қандай аъзо ва тизимга жиддий зиён етказиши мумкин. Чунки қуюқ қон томирларда жуда секин оқади ва касалликларга сабаб бўлади. Чунки бунда тўқималарга керакли озик-моддалар етиб бормайди ва танадаги ортиқ-

ча иллатлар чиқиб кетолмайди. Бундан ташқари, ўта қуюқ қонни ҳайдашда юрак ҳам тез чарчаб қолади.

Қони қуюқ кишиларда умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, уйқучанлик, тез-тез бош оғриши, қўл ва оёқлар совуқ бўлиши, жимирлаши, паришонхотирлик, депрессия, оғиз қуриши каби аломатлар сезилади. Булардан ташқари, юрак тез уриши, нафас қисиши, тананинг турли қисмларида кўқаришлар пайдо бўлиши, тирноқ шакли ўзгариши, онг қарахтлиги кабилар ҳам кузатилади. Мияга қон яхши етиб бормаса, бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳам содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар йили 1-2 марта қоннинг умумий таҳлили, қон ивиш даражаси ҳамда қон томирлар ҳолатини текширтириб туриш керак. Агар таҳлил топширганда қон қуюқлиги



ҚОН ҚУЮҚЛАШИШИ КАСАЛЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛАДИМИ?

аниқланса, тезроқ бунинг сабабини билиш зарур. Негаки қон қуюқлиги қандайдир касаллик белгиси ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, у қон босими кўтарилишига, тромбларга, кейинчалик инфаркт ва инсультга олиб келиши эҳтимоли бор.

ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Тадқиқотларда аниқланишича, қон қуюқлашишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири кам сув ичиш экан. Бу қабзиятга, пешоб кам чиқишига сабаб бўлади. Натижада ортиқча моддалар қонга сўрилиб, унинг таркибини янада айнилади.

Шунинг учун шифокорлар инсонларга ҳар куни белгиланган меъёр бўйича сув ичишни маслаҳат беришади. Яъни соғлом одам кунига камида 2 литр (ёзда 3 литр) сув ичиши зарур. Шу орқали қон қуйилишининг олдини олиш мумкин. Шу билан бирга махсус овқатланиш тартибига ва табиий дамламалардан ташқари, ичиш-чекишдан чекланиш, фаол ҳаракатда бўлиш ҳам қон қуюлишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Иложи борида кўпроқ пиёда юриш ва эрталаб тоза ҳавода бадантарбия қилиш ҳам яхши самара беради.

ҚОННИ СУЮЛТИРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Қон қуюқлашишини даволашда қонни суюлтирувчи маҳсулотларни истеъмол қилиш энг қулай усул ҳисобланади. Айрим ҳолларда, масалан, кексаларда қон қуюқлашганда шифокор тавсиясига асосан таркибида аспири бўлган дорилар

қабул қилинади. Табиий тарзда қонни суюлтириш учун қуйидаги маҳсулотларни таомнома таркибига киритиш тавсия этилади: ёғсиз мол, товук, курка гўшти; помидор, лавлаг, бодринг, денгиз карами, балиқ, олма, гилос, анор, анжир, тут меваси. Цитрус мевалар: лимон, грейпфрут, киви. Занжабил (*имбирь*), долчин (*корица*), саримсоқ пиёз, сельдир, аччиқ қалампир, пиёз, кунгабоқар пистаси, барча ёнғоқ турлари, ўсимлик мойлари, узум, олхўри меваси ва қоқиси, таомга қўшилаётган зирavorлар: зарчава (*куркума*), зирк (*тимян*), ялпиз (*мята*).

ҚОННИ ҚУЮЛТИРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Агар қонингиз қуюқ бўлса қуйидагиларни истеъмол қилишдан чекланинг: шакар ва таркибида шакар бўлган ширинликлар, дудланган гўшт, ёғли таомлар, газли ичимликлар, маржумак (*гречка*), банан, картошка, шовул, ёғли хамир овқатлар.

Қовурилган таомлар қон қуюлишига олиб келади. Шунинг учун асосан овқатларни димлаб, қайнатиб ва буғда тайёрлаб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Эсингизда бўлсин!

Қонни суюлтирувчи дорилар ва табиий воситаларни меъеридан ортиқ қабул қилиш қоннинг ҳаддан ортиқ суюлишига ва ички аъзолардан қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, ҳар қандай ҳолатда даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Г. ХОДЖАМУРАТОВА тайёрлади.

Chempionat

ENG KUCHLILAR

BELLASHDI

O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan Andijon shahrida kemamodel sporti bo'yicha O'zbekiston chempionati o'tkazildi.

Musobaqada Toshkent shahri va viloyatlardan tashrif buyurgan 60 dan ortiq sportchilar o'zlarini tayyorlagan kema modellari bilan ishtirok etdilar.

Musobaqaning birinchi kunida sportchilar o'zlarining kema modellari namoyish qilishdi. Sport hakamlari

tomonidan ushbu modellar sinchiklab tekshirilib, har birining detallari qurilishi va joylashuviga baho berildi.

Musobaqaning ikkinchi kunida sportchilar o'zlariga birlashtirilgan kema modellari suvda harakatlantirgan holda bellashdilar.

Murosasiz va qizg'in kechgan chempionatda 1-o'rinni Andijon, 2-o'rinni Surxondaryo va 3-o'rinni Namangan viloyatlari jamoalari qo'lga kiritdi.

Musobaqa g'oliblariga "Vatanparvar" tashkilotining diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.



Eslatib o'tamiz, "Vatanparvar" tashkiloti Xalqaro kemamodelchilik federatsiyasi (NAVIGA)ning to'la huquqli a'zosi hisoblanadi.

O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

Kecha

ADIB XOTIRASIGA EHTIROM

Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligi tasarrufidagi harbiy qism shaxsiy tarkibi bilan "O'zbekiston xalq yozuvchisi O'tkir Hoshimovning yorqin xotirasi va ijodiga ehtirom" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy kecha tashkil qilindi.



O'tkir Hoshimov tavalludining 81 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan tadbirda adibning turmush o'rtog'i O'lmasxon Hoshimova, farzandi O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Farrux Hoshimov yozuvchining hayoti, ijodi, asarlarining yaratilish tarixi haqida harbiy xizmatchilarga so'zlab berdi. Tadbir davomida, iqtidorli harbiy xizmatchilar tomonidan O'tkir Hoshimovning "Dunyoning ishlari", "Ikki eshik orasi" kabi asarlaridan parcha monologlar ijro etildi.

Qiziqarli savol-javoblarga boy tarzda o'tgan ijodiy uchrashuvda harbiy qism kutubxonasiga sevimli adibimizning mashhur asarlari topshirildi.

Qurolli kuchlar xizmatchisi Umida YUSUPOVA

Davra suhbat

XIZMAT INTIZOMINI MUSTAHKAMLASH YO'LIDA

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Toshkent harbiy sudi bilan hamkorlikda Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi shaxsiy tarkibi ishtirokida "Jinoyat va huquqbuzarlikning oldini olish, xizmat intizomini mustahkamlash" mavzusida davra suhbat o'tkazildi.



Unda Toshkent harbiy sudi raisi Jamshid Raxmonov va Toshkent harbiy prokurorining katta yordamchisi Nodir Ibragimov ishtirok etib, harbiy xizmatchilarga mavzu bo'yicha tushunchalar berishdi.

Ma'ruzalar davomida yig'ilganlar bugungi kunda davlatimiz tomonidan korrupsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olish borasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar, mamlakat istiqboli va yurt ravnaqiga muhim g'ov bo'luvchi korrupsion holatlarga barham berish chora-tadbirlari xususida ma'lumotlar olishdi.

Xususan, xizmatda yoki hayotda bu kabi holatlarga duch kelgan taqdirda, unga zudlik bilan munosabat bildirib, tegishli idora yoki vakolatli organlarga murojaat qilishlari lozimligi tushuntirildi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Namangan viloyati kengashi tasarrufidagi Mingbuloq tumani o'quv sport-texnika klubida ommaviy kasb mutaxassislarini tayyorlash hamda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasida yaxshi natijalarga erishilmoqda.

Belgilangan reja asosida haydovchilar tayyorlayotgan mingbuloqlik vatanparvarchilar joriy yilning o'tgan oylari mobaynida ham bu borada faollik ko'rsatdi. Ayni paytda o'quv sport-texnika klubida yoshlar uchun "B", "BC", "B"dan "C"ga qayta tayyorlash va "E" toifali haydovchilik o'quv kurslari faoliyat ko'rsatmoqda. Albatta, buning uchun barcha zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Amaliy mashg'ulotlar uchun avtodrom, o'quv mashq avtomobillari, trenajyor, kompyuter sinfi va o'quv xonalari hamda boshqa jihozlar uyg'unligi keng yo'lga qo'yilgan.

– Bundan tashqari, o'quv sport-texnika klubida yoshlarimizning jismoniy va ma'naviy jihatdan yetuk bo'lishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Shuhrat Qodirov. – Shu bois klub qoshida "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Karting" va "Motokross" kabi seksiyalar faoliyati yo'lga qo'yilgan. Bu to'garaklarga 50 nafardan ziyod iqtidorli yosh jalb etilgan. Motokross bo'yicha o'tkazilgan viloyat musobaqalarida ishtirok etgan sportchilarimiz respublika bosqichida viloyatimiz sharafini munosib tarzda himoya qildi va yuqori o'rinni qo'lga kiritdi.

YOSHLAR FAOLIYATIGA E'TIBOR



Bugungi yoshlar nafaqat jismonan, balki ma'naviy jihatdan ham barkamol bo'lishlari lozim. Shu bois O'STK jamoasi tashabbusi bilan ma'naviyat va harbiy-vatanparvarlik targ'iboti doirasida turli tadbirlar o'tkazilishi ham an'anaga aylangan. Bunday tadbirlar, ayniqsa, maktab o'quvchilarining yozgi ta'tilini yanada maroqli o'tkazishlarini ta'minlash maqsadida yozgi oromgohlarda tez-tez tashkil etilmoqda.

Albatta, bunday xayrli ishlar salmog'ini oshirish yuzasidan ko'plab tajribali va malakali mutaxassislar ko'magidan unumli foydalanilmoqda. O'z navbatida "Vatanparvar" tashkiloti Mingbuloq tumani o'quv sport-texnika klubida bunday faol va jonkuyar xodimlar ko'pchilikni tashkil etadi.

Fursatdan foydalanib, Mingbuloq tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumanda istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlari – "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Motokross" hamda "Yozgi biatlon" kabi seksiya va to'garaklarda shug'ullanishga taklif etadi. Mashg'ulotlar malakali mutaxassislar tomonidan olib borilishi kafolatlanadi.

Mingbuloq tumani Jamashuy shaharchasi, Alisher Navoiy ko'chasi, 11-uy.
99 606-82-82; 69 63-34-153.

RUHIYAT

Borliq sizning hayotingizga insonlarni olib kirishining 7 sababi

(Psixolog maslahati)



Borliq o'ziga xos usullar bilan hayotingizga o'z belgilarini jo'natadi va sizga eng to'g'ri yo'lni ko'rsatib beradi.

Ehtimol, siz ko'p bora, "Hayot yo'limda nega shunday insonlar uchraydi?" deb savol bergandirsiz. Balki, ularni tasodif deb o'ylarsiz? Nega shunday bo'lishining o'ziga xos sabablari mavjud. Keling, ulardan yettitasiga to'xtalib o'tamiz.

Xo'sh, nega hayotimizda ma'lum insonlar paydo bo'ladi?

1 Sizni qalban uyg'otish uchun

Ular bizning "o't bo'lib yonadigan" tug'ma ichki qiziqishimizni uyg'otadigan insonlar. Sizni ruhan uyg'otadigan insonni uchratganingizdan so'ng, hech narsa avvalgidek bo'lmaydi.

Siz juda ko'p narsalar haqida o'zingizga savollar bera boshlaysiz. Shu tariqa o'zingizni rivojlantirish hamda qabul qilishga ulkan ehtiyoj sezasiz. Bunday inson sizni bilim olish va shaxs sifatida o'sishga ilhomlantiradi.

2 Yuragingizga taskin berish uchun

Tushkunlik holatingizda paydo bo'lishadi. Ular yoningizda bo'lib, siz uchun ulkan ahamiyatga ega bo'lgan mayda-chuyda ishlarni bajarishadi. Keyin ular sizni bir muddatga yoki butunlay tark etishadi, siz esa ularni eslab yurasiz.

3 Hayotingizning bir qismiga aylanish uchun

Bu insonlar hayotingizning doimiy va ajralmas qismiga aylanadi. Ular barcha qiyinchiliklarda yelkama-yelka turishadi. Ular do'stlar, oila, ba'zan hamkorlar bo'lishi mumkin. Siz ularni bemalol qo'llab-quvvatlovchi deb atashingiz mumkin.

4 Saboq berish uchun

Ba'zi insonlar hayotingizga qimmatli saboq (ba'zan bir nechta) berish uchun kirib keladi va sizni hayotning asl mazmunini anglashga majbur qiladi.

Bu insonlar sizga o'sish va komillikka erishish, yanada omadliroq bo'lish hamda kelajagingizni orzularingiz asosida qurishingizga yordam beradi.

5 Nimanidir yodingizga solish uchun

Bu kabi insonlar hayotingizga shunchaki, eslatma bo'lib xizmat qiladi. Ular siz qachonlardir izingizga ko'mib tashlagan, lekin qayta uyg'onishi kerak bo'lgan eski his-tuyg'ularni o'zlari bilan olib keladilar. Shuningdek, ular o'tmishingiz bilan bog'liq aloqalar bo'lishi mumkin.

6 Siz loyiq emasligingizni ko'rsatish uchun

Ular mukofot yoki jazo bo'lib keladi. Tan oling, muhim narsalarni qadrlamaymiz yoki unutib qo'yamiz, ahmoqona xatolar qilamiz, biroq yashashda davom etaveramiz.

Siz loyiq bo'lgan yoki bo'lmagan narsalarni yodingizga solish uchun kelishadi. Borliq har doim ikkinchi imkon beradi va shu yo'l orqali buni bizga ko'rsatadi. Lekin shunday insonlar keladiki, ular bizni "jazolashadi", qachonki biz qayta va qayta bir xil xatolarni takrorlayversak!

7 Sizdan nimanidir o'rganish uchun

Ko'pincha borliq bizning bilimlarimiz, yordamimizga muhtoj insonlarni yuboradi. Siz ularga hayotining ma'lum bir bosqichida nimanidir o'rgatishingiz kerak. Ba'zi insonlar sizga nimanidir taklif qilsa, ba'zida sizda ular bilan o'z tajribangiz-la bo'lishish imkoni paydo bo'ladi.

Barchamiz vaqti-vaqti bilan tajribalarimizni bo'lishishimiz mumkin bo'lgan insonlarni borliq bizning oqilona gaplarimiz hamda maslahatlarimizni tinglash uchun yuboradi...

Nima uchun pomidorni bodring bilan qo'shib iste'mol qilmaslik kerak?

Ba'zi oziq-ovqatlar "C" vitaminining organizmda normal so'rilishiga xalaqit beradi. Gap shundaki, bir qator sabzavotlarda maxsus ferment - askorbat-oksizaza mavjud. Bu askorbin kislotasining normal

so'rilishiga to'sqinlik qiladigan "antivitamin" hisoblanadi. Qovoq va bodringda mana shu ferment juda ko'p miqdorda. Shuning uchun "C" vitaminiga boy pomidor bilan bodringni qo'shib iste'mol qilish tavsiya qilinmaydi.



Bilasizmi?

HAYOT FALSAFASI

МАШХУРЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАРИ

ЛОРД БАЙРОН

Байрон ўта таъсирчан эди. У ҳис-туйғуларини жамлай олмагани сабаб телбалик касалига дучор бўлган. Буюк шоир тўладан келган, оқсоқланиб юрадиган, аммо жуда ижодкор бўлган. Баъзи манбаларга кўра, Венецияда яшаган чоғида бир йил давомида икки юздан зиёд аёлга муҳаббат изҳор қилишга улгурган.

ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС

Одамларни гипноз қилиш Диккенснинг сеvimли машғулоти бўлган. У ўзининг гипнозга оид қобилияти ва машғулотларини хотинида синаб, уни уйқусизлик касалидан даволашга ҳаракат қилади. Таниқли ёзувчи ҳамиша шимолга қараб ухлаш ва ёзишни одат қилган.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

Лев Толстой умр йўлдоши София Берс билан турмуш қураётган экан, тўйининг биринчи кунидеяқ ўз кундалигини хотини қўлига тутқазади. Турмуш қуришидан илгари аёллар билан бўлган муносабатларини хотинидан яширмаслик учун шундай қилади.

ФРАНЦ КАФКА

Франц Кафка бир мунча муддат суғурта компаниясида котиб ва-зифасида ишлаган. Ҳаётда у оддий, шу билан бирга омадсиз

ҳам бўлган. Умри давомида бир неча ҳикоялар чоп эттиришга улгуради, аммо улар адибга шўҳрат келтирмаган. Вафотидан олдин дўсти Макс Бродга барча қўлёзмаларини йўқ қилиб юборишни васият қилади. Аммо Макс аксинча, қўлёзмаларни нашрга беради. Шу тариқа Кафка вафотидан сўнг машҳур ёзувчи сифатида танилади.

АГАТА КРИСТИ

Агата Кристи Биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлган. Орадан бир қанча вақт ўтиб, дорихонада ишлайди. Кристи ҳар қандай заҳарни бир қарашдаёқ ажрата олган. Негаки, унинг детектив асарларидаги кўплаб жиноятчилар заҳардан фойдаланиб, қотиллик содир этишган. Агата Кристи қўли билан ёза олмайдиган дисграфия касалига дучор бўлгани боис асарларини айтиб ёздирган.

БУТУН УМРИНГНИ ЯШАЙСАН...

Норвегиялик замонавий ёзувчи Ю. Несбёнинг “Кўршапалак” романида асар қаҳрамони парашютдан биринчи марта сакраш ҳолатига шундай таъриф беради:

“Бутун танам гўё ўлаётгандай ташвишга тушиб, танадаги ҳар бир туйғу тирик қолишга ечим кидиради. Миянг компьютерга айланиб, барчасини назоратда ушлаб туради. Ўлим кўрқувини енга олсанг, тахминан қирк сонияда бутун умрингни яшаб ўтасан”.



ҚАТТИҚ ҚЎРИҚЛАНАДИГАН “КЎКСАРОЙ”

Руй Гонсалес де Клавихо Самарқандда бўлган вақтида Кўксарой қалъасининг атрофи ўраб олиниб, қаттиқ қўриқланишини, қаср атрофи сув оқиб турадиган ҳандақ билан ҳамда кучайтирилган қўриқчилар кузатувида бўлгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Тарихчи бундай қаттиқ қўриқловнинг сабабини Кўксарой ичида Соҳибқирон армияси учун қурол ишлаб чиқарилиши билан изоҳлайди.



@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: mayor Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Begali Eshonqulov
Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: G-0805

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 479 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.